O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

БОҚИЙ ФИКРЛАР

**Ҳунари борнинг олтин билаги бор.**

Ўзбек халқ мақоли

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 15-may, shanba № 38 (8271) ISSN 2010-6416

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 май куни Оқсаройда Уммон Султонлиги ташқи ишлар бўйича давлат вазири Юсуф бин Алавий бин Абдуллани қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон ва Уммон ўртасидаги алоқалар нафақат дипломатик, балки иқтисодий асосларда ҳам ривожланаётганидан мамнунлигини билдирди.

— Бунда халқларимизнинг узоқ йиллар давомида тарихий, диний ва маданий жиҳатдан муштарак тараққиёти асосий мезон бўлмоқда, — деб таъкидлади Юртбошимиз.

Ўзбекистон билан Уммон ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ривожланмоқда. 2009 йил октябрь ойида Президент Ислом Каримовнинг Уммон Султонлигига давлат ташрифи доирасида икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик асослари, ҳаво транспорти қатнови, шунингдек, нефть-газ, кимё, қурилиш тармоқлари, таълим, сайёҳлик, маданий ва гуманитар соҳаларга оид ўндан зиёд муҳим ҳужжатлар имзоланган эди.

Мамлакатларимиз ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоялаш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда капитал солиқларни тўлашдан бош тортишни бартараф этиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, шунингдек, Ўзбекистон — Уммон қўшма сармоявий жамғармасини ташкил қилиш борасида келишувлар амал қилмоқда.

Уммон Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги энг муҳим давлатлардан бири сифатида тан олади. Мамлакатимиз билан ҳамкорлик Уммон учун минтақавий иқтисодий муносабатларда иштирок этиш борасида кенг имкониятлар очади.

Оқсаройдаги учрашувда Юсуф бин Алавий бин Абдулла қабул учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди ва Уммон Султонлиги Ўзбекистон Республикаси билан келгусида ҳам барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

**Ватанимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, маънавиятни юксалтириш, баркамол авлодни тарбиялаш йўналишида олиб борилаётган ислоҳотларда миллий матбуотнинг иштироки, ўрни ва аҳамияти тобора ортмоқда. Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида бўлиб ўтган "Олтин қалам" V Миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросимида бу жиҳатлар яна бир карра ўзининг ёрқин ифодасини топди.**

# ИЖОДИЙ ФАОЛЛИК ЭЪТИРОФИ

## "Туркистон" саройида "Олтин қалам" V Миллий мукофоти ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди

Шу муносабат билан ушбу саройга турли вазирлик ва идоралар, жамоат ва халқаро ташкилотлар, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпус вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, соҳада узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатган фахрий журналистлар, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида жамият ҳаётини тубдан янгилаш ва ислоҳ этиш йўлида босқичма-босқич, тадрижий, халқимизнинг миллий руҳиятига, орзу-интилишларига монанд амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар маънавий-маърифий соҳалардаги туб ўзгаришларга эришиш, миллий ўзликни англаш, оммавий ахборот воситаларини равнақ топтиришга оид ибратли чора-тадбирлар билан ҳамоҳанг олиб борилаётганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда.)

# ТАЪТИЛ ҲАМ ЎРГАНИШ ДАВРИ

*Reportaj*



**Ўқув йили якунланай деб қолди, буёғига таътил. Кимдир оромгоҳларга, бошқа биров эса тўгаракларга боради. Шижоатлилар учун ҳатто таътил ҳам ўрганиш, ўзлаштириш даври бўлиб қолади. 12—13 май кунлари Ўзбекистон миллий боғида ўтказилган "Куч — билим ва тафаккурда" кўргазмаси ана шу масалаларни мақсад қилган ҳолда ташкил этилди.**

**Кўргазмада пойтахтимизда фаолият юритаётган 94та мактабдан ташқари таълим муассасалари, жумладан, 13та ўқувчилар ижодиёт маркази, 8та техник марказ, 30та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 13та спорт мажмуаси, 30та спорт мактаби, "Камолот" ЁИҲ қошидаги ёшлар ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари ҳамда мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг техник марказлари иштирок этди.**

(Давоми 16-бетда.)

# УМИДЛИ ЁШЛАР КЎРИГИ

**Кўҳна ва навқирон Хоразмда Болалар мусиқа мактаблари ўқувчиларининг «Академик чолғулар ва эстрада ижрочилиги» республика танлови бошланди.**

— Мазкур танловни ўтказишдан мақсад — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги ҳамда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги қарорларига биноан мусиқа санъатининг юксак намуналаридан ўқувчи-ёшларни баҳраманд этиш ва шу асосда тарбиялаш, ижрочилик маҳоратларини ошириш, — дейди Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси бош мутахассиси Алишер Садинов. — Танлов баҳонасида янгидан янги овозлар юзага чиқади, янги умидли ниҳоллар бўй кўрсатади.

(Давоми 2-бетда.)

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

УХЛАЁТГАН УЙҒОҚ КЎЗЛАР 3-бет

ИҚТИДОРЛИЛАР МАСКАНИ БУ 5-бет

ЁЗГИ ОРОМГОҲ: БАХТЛИ БОЛАЛИКНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ 8–9-бетлар

ПИРЕНЕЙ «ЖАВОҲИР»И 12-бет

*Yakuniy respublika bosqichida 22ta fan bo'yicha viloyat miqyosida o'tkazilgan saralash bosqichlarida umumta'lim maktablarining bitiruvchi 11-sinf hamda o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarining 3-kurs o'quvchilari orasida g'oliblikni qo'lga kiritgan 605 nafar yigit-qiz 66 imtiyozli o'rin uchun o'zaro bellashishadi.*



# ИЖОДИЙ ФАОЛЛИК ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бугунги глобаллашув даври барча соҳалардаги ижодкорлар, айниқса, журналистикада қалам тебратаётган мутахассисларнинг билим ва малакасини доимий ошириб бориш баробарида юртимизда кечаётган ислоҳотларнинг туб мазмун-моҳиятини, жаҳонда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларни халқимизга холис ва ҳаққоний, чуқур таҳлилий ёндашув асосида етказишни, илғор ахборот технологияларини пухта эгаллашни, замон руҳи билан ҳамнафаслик, ҳамқадамликни талаб этмоқда.

Бу йил бешинчи марта ўтказилган «Олтин қалам» Миллий мукофоти учун халқаро танлов телевидение, радио, матбуот, интернет журналистикаси соҳасида меҳнат қилаётган серғайрат, фидойи, қатъиятли журналистларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда ушбу танлов миллий ва халқаро журналистиканинг илғор ютуқларини оммалаштириш, журналистларнинг фаол фуқаролик позициясини намоён этиши учун зарур шароит яратиш, ижодкорларга танқидий фикрлаш ва ўз фаолиятига янгича ёндашувни шакллантиришга хизмат қилади.



Йигирма саккиз номинация бўйича ўтказилган бу йилги танловга 450 нафардан ортиқ журналистдан 6700дан зиёд ижодий иш тушди. Жорий йилги танловнинг яна бир ўзига хослиги «Баркамол авлод йили»га бағишланган энг яхши материал учун» номинациясининг киритилгани, ғолиб ва совриндорлар учун таъсис этилган мукофот фондининг ошганидадир.

Танловнинг бош миллий мукофотини қўлга киритган «Ёшлар» телерадиоканали ёпиқ акциядорлик жамияти (директори Хайрулла Нуриддинов) – махсус диплом ва энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди.

Ижодий беллашувнинг телевидение, радио, даврий нашр ва интернет журналистикаси йўналиши бўйича ғолиблар, шунингдек, рағбатлантирувчи мукофотлар совриндорлари ҳам диплом ва пул мукофотлари билан тақдирландилар. Халқаро ташкилотлар ҳам ўз мукофотларини топширди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**



*Olimpiada — 2010*

**Жорий йилги умумтаълим фан олимпиадаларининг республика босқичи 25—29 май кунлари ўтиши белгиланди.**

# ҚИЗҒИН ВА БЕЛЛАШУВЛАРГА БОЙ ТАРЗДА ЎТИШИ КУТИЛАЁТИР

Хабарингиз бор: ушбу якуний босқичга қадар умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари дастлаб ўз таълим даргоҳларида, кейинчалик туман ва вилоят миқёсида билимлар синовида ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Энг билимдон ўқувчиларгина бу галги синовларда иштирок этишини ҳисобга олсак, баҳслар муросасиз кечиши аниқ. Шу нуқтаи назардан, ушбу билимлар беллашувини ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда Халқ таълими вазирлигининг «Академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадасининг IV босқичини ўтказиш ҳақида»ги қўшма буйруғи имзоланди. Ушбу буйруқ бевосита “Таълим тўғрисида”ги ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросини таъминлашга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги «Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида»ги 226-сонли қарори асосида Республика академик лицейлари, касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактабларининг иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш, умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадасини уюшқоқлик ва юқори даражада ўтказишни таъминлашга хизмат қилади.

Унга кўра академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлари бўйича Республика олимпиадасининг IV босқичи жорий йилнинг 25—29 май кунлари Тошкент давлат техника университети қошидаги компьютер технологиялари академик лицейида ўтказилади.

Республика олимпиадасини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби, чора-тадбирлар режаси, IV босқич иштирокчилари бўлган ўқувчилар рўйхати тасдиқланди.

— Бу йилги олимпиада қизғин ва беллашувларга бой тарзда ўтиши кутилаётир, — дейди ЎМКҲТМ академик лицейлар фаолияти мониторинги сектори бош мутахассиси Мурод Шораҳимов. — Якуний республика босқичида 22та фан бўйича вилоят миқёсида ўтказилган саралаш босқичларида умумтаълим мактабларининг битирувчи 11-синф ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг 3-курс ўқувчилари орасида ғолибликни қўлга киритган 605 нафар йигит-қиз 66 имтиёзли ўрин учун ўзаро беллашишади.

**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ**

# ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

*Konferensiya*

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида «Халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш тизимида замонавий мазмун ва методларни такомиллаштиришнинг илмий-амалий асослари» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти, юртимиздаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари, таълим муассасалари, масофадан ўқитишни ривожлантириш марказлари ходимлари иштирок этди.

Конфренцияни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Б.Дониёров кириш сўзи билан очар экан, педагог кадрларнинг малакасини ошириш жараёнида мазмун ва методларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Ялпи мажлисда, шунингдек, А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ ректори М.Алиев, Тошкент шаҳар ПКҚТМОИ ректори Ҳ.Йўлдошев ва бошқалар маъруза қилишди. Маърузаларда янги педагогик технологиялардан фойдаланишнинг афзалликлари, ғарб таълимидаги замонавий ёндашувлар, мустақил мутоалаа — самарадорлик кафолати мавзуси батафсил ёритилди.

— Конференция ўтказишдан асосий мақсад, — дейди А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ маънавият асослари кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент Абдураҳим Ҳасанов, — халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимида замонавий мазмун ва методларни такомиллаштиришнинг илмий-амалий асослари билан боғлиқ бўлган масалаларни чуқур таҳлил қилиб бериш ҳамда педагогларнинг бу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан ўзаро тажриба алмашишдир.

Шундан сўнг иштирокчилар шўбаларга бўлинган ҳолда иш олиб боришди. Муҳокамалар жараёнида иштирокчилар халқ таълими ходимлари малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш омиллари, умумтаълим фанлари мутахассислари малакасини оширишда педагогик технология тушунчасининг моҳияти, шунингдек, педагогларнинг касбий тайёргарлигининг ўрни ва аҳамияти каби бир қатор масалалар бўйича ҳам амалий, ҳам назарий кўникма олдилар.

— Институтимиз раҳбарларининг тавсияси билан ходимларимиз бир ҳафта мобайнида вилоят мактабларида бўлиб, педагогларнинг Миллий дастур асосида етказиб берилган асбоб-ускуналар, лаборатория, компьютер техникаларидан қандай фойдаланаётганини ўрганишди ва ўқитувчиларга амалий тавсия беришди, — дейди А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ умумтаълим фанлари ва педагогик технологиялар кафедраси мудири Т.Қодиров. — Бугунги семинарда ҳам ушбу мавзулар биринчи ўринга кўтарилди. Бир ой давомида малакасини оширган педагогларга дарслар сўнгида ижодий иш лойиҳаси тақдим қилинади. Унинг таркибига ўқув жараёнини янада такомиллаштириш, профессор-ўқитувчилар салоҳиятини кўтариш, машғулотларни замонавий инновация технологиялари асосида ташкил этиш, тингловчилар фаоллигини ошириш, таълим самарадорлигини таъминлашда билим, кўникма ва малакани кетма-кетликда изчил шакллантириш, ғарб таълимидаги замонавий ёндашувлардан фойдаланиш каби долзарб вазифалар белгилаб берилди. Шу билан бирга малакасини ошириб қайтган педагог раҳбар режада белгиланган вазифаларни таълим муассасасига қайтиб жорий қилиши, малака ошириш дарсларидан олган билимларини қўллай олиши керак.

Куннинг иккинчи ярмида гуруҳлар иш натижаларини ҳимоя қилиб таҳлил натижаларини бирбирлари билан таққослашди. Конференция сўнгида якуний тавсиялар муҳокама қилинди.

— Долзарб мавзуга бағишланган мунозараларда бошқа касбдошларимнинг таълим соҳасидаги педагогика технологиялари асосида ишлаб чиқилган янги ғояларини, тажрибаларини ўргандим. Айниқса, айрим мактабларда амал қилинаётган «Устоз — шогирд» анъанаси менга маъқул бўлди, — дейди Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги 7-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Муҳаббат Саимова. — Уларнинг бу борадаги фикрларини тинглагач, менда малака ошириш дарсларидаги олган билим ва кўникмаларимни мактабимда устоз-шогирд услубида қўллаш истаги туғилди.

**Ҳулкар ФАРМОН қизи,**
**“Ma'rifat” мухбири**

# УМИДЛИ ЁШЛАР КЎРИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Республика танловида жами 234 нафар иштирокчи фортепиано, торли, дамли чолғулар ҳамда эстрада ижрочилиги йўналишларида ўзларининг қобилиятларини яна бир карра намоён этишади.

14 май куни Урганч шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабида фортепиано ва зарбли чолғулар бўйича, Урганч маданият ва санъат коллежида фортепиано йўналиши бўйича ҳамда 24-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида эстрада ижрочилиги борасида танлов бошланди.



— Мен Сирдарё вилоятидаги 1-мусиқа ва санъат мактабининг 6-синфида таҳсил олаяпман, — дейди Салоҳиддин Аҳмедов. — Танловда скрипка йўналиши борасида маҳоратимни намойиш этмоқчиман. Композитор Ривалдонинг концертини чалиб беришни ният қилганман...

— Мазкур танловнинг 3-босқичида иштирок этиш учун кўҳна Хоразм диёрига иқтидорли ўқувчим Зуҳра Тўраева билан келдик, — дейди Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактабининг фортепиано бўлими бошлиғи Зуҳра Боймуродова. — Зуҳрахон мазкур ўқув масканининг 7-синфида ўқияпти. У танловнинг вилоят босқичида К.Пўлатовнинг «Дутор оҳанглари» асарини чалиб бериб ғолиб чиққан эди. Бугунги танловда А.Бетховеннинг «Сонатина»сини чалиб бериш учун машқ қилаяпти.

Шунингдек, меҳмонлар билан учрашув жараёнида Тошкент шаҳридаги 10-мусиқа санъат мактабининг 9-синф ўқувчиси Сардор Азимов билан ҳам мулоқотда бўлдик. Сардорбек танловда валтарна ижросида чиройли куй ижро этишини айтди.

Танлов давом этмоқда.

**Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА**

# Ўхлаётган уйғоқ кўзлар

**Ҳар куни саҳарлаб ишга йўл оламан. Мактабимиз шундайгина катта йўл бўйида жойлашган. Тонг насимидан баҳра олиш илинжида, ариқ бўйига ўриндиқ чиқариб қоровул ҳамроҳлигида ўтирамиз. Бирин-кетин ўқитувчилар, эрта тонгдан мактабга шошиладиган баъзи ўқувчилар кела бошлайди. Даврамиз ҳамкасблар билан кенгайиб бораверади. Ўқитувчи халқи касб тақозосига кўра синчков бўлади. Арзимас нарса ҳам унинг эътиборидан четда қолмайди.**

**Қишлоқ уйғониб, кимдир ишга, кимдир ўқишга, кимдир сайрга шошилаяпти. Биз эса дақиқалар дарс бошланиш вақтига яқинлашишини кутиб ўтирибмиз. Шу пайт ажнабий мусиқага басталанган баланд овоздаги қўшиқ эшитила бошлайди. Кўп ўтмай пўрим кийинган, қўл телефонидаги янграётган мусиқага монанд елкасини учириб, бачкана одимлаб келаётган бир қиз кўринади. Ҳар қадам ташлаганида калтагина юбкаси оёқларини ошкор қилади. Тўрт-бешта томошаталаб ёшларнинг кўзи айнан шу нуқтага жамланган. Ўтирганлардан кимгадир бу ҳолат эриш туюлади:**

— Бунча очиқ-сочиқ кийинмаса бу қиз?!

— Кимнинг қизи ўзи, танидингларми?

— Муюлишдаги Эргашнинг ўтган йили коллежни тугатган арзандасига ўхшаяпти.

— Шу хонадонга ҳайронман. Отаси нуқул болаларига мактаб дарсликларининг ижара пулини топиб беролмаслигидан нолийди-ю, қизининг эгнига кийдиргани фалон пуллик кийим, қўл телефони олиб берибди.

— Орзу-ҳавас қилгандирда, — кимгадир бу гаплар ғийбат бўлиб туюлади. — Қўйинглар шунақа гапларни, топибдими, замонаси шуни кўтарибдими, истаганини қилаверсин.

**"Замонаси кўтарибдими, истаганини қилаверсин!!!".**

Эшитган кишини ўз дунёқараши доирасида маъқуллашга ёки эътироз билдиришга ундовчи фикр. Эҳтимол, сўнгги жумлани келтирган ҳамкасбимиз ўзича масаланинг таянч нуқтасини топгандир: ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшаш керак. Эриш туюлса, биз ҳам қизимизга, ўғлимизга қўл телефони олиб берайлик, эгнига сўнгги урфдаги либосларни кийдирайлик, ҳали ҳарфларни чоғиштириб ўқишни тузукроқ эплолмайдиган ҳолатида машина рулига ўтирғизиб қўйилик. У ҳам вақт-бевақт уйқудан уйғонган-уйғонмаган одамларнинг тинчини бузиб, ашулани баландлатсин, машина ойнасидан аранг кўринаётган калласини ликиллатиб тенгдошларининг кўзини ўйнатсин...

Шунга ҳам ота гўри қозихонами?

Тарбия масаласига бефарқлик нуқтаи назаридан қарасак, шундай хулоса чиқаришимиз мумкин. Маънавият жабҳаси вакили сифатида бугун кўз ўнгимизда содир бўлаётган воқеаларни теран назардан ўтказадиган бўлсак, ўз ечимини кутаётган бир талай глобал муаммоларга рўбарў келамиз. Улардан биринчиси илк мушоҳадаларимиздаги мураккаб қарама-қаршиликлар замирида ўз-ўзидан туғилади: — "Хўш, замона нимани кўтарибди?"

**Табиийки, "оммавий маданият" деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди.**

**(Ислом Каримов, "Юксак маънавият — енгилмас куч")**

Бугунги ёшлар билимини, дунёқарашини бойитиш учун вақтини кутубхоналарда ўтмиш аждодларимиздан қолган бой маънавий меросимизни варақлашга сарфлаяптими? Аксинча, боласининг отаси ким эканлигини аниқлаш учун ДНК текширувини ўтказиш ниятида тўлғонаётган хонимлар ҳақидаги сериалларни кўриб ўтказаётганлар кўпайиб кетмаяптими? Уларнинг мусиқий фонотекасидан халқимизнинг минг йиллар мобайнида ижод қилиб яратган, такомиллаштирган, маданий-маърифий мерос даражасига етган, неча асрларки тинглаганимизда юрагимизнинг энг нозик торларини чертиб юборадиган мумтоз мусиқамизнинг ёрқин намунаси бўлган "Шашмақом" наволари, Хоразм, Фарғона, Бухоро мақомчилик мактаби дурдоналарининг на матни, на мусиқасини топа оласиз.

Бўш вақтини иштирокчилари ўртасида ўзаро аҳиллик ва бир-бирини беғараз қўллаб-қувватлашни, пировард натижада ғалабага бўлган иштиёқни кучайтирувчи халқ ўйинлари ("Ким эпчил", "Чиллак", "Бекинмачоқ" ва ҳоказолар) ёки мамлакатимизни муқаррар жаҳонга танитиш воситаси бўлган спорт мусобақаларига эмас, "интернет-кафе"ларда "шоу бизнес", "топ модел"лар, "эротика олами" ҳақидаги янгиликларни ўқишга, соатлаб компьютер олдида михлаб қўядиган бетўхтов ёвузликни тарғиб этувчи ўйинлар ўйнашга сарфлашмаяптимикан?

Биз катталар-чи, биз нима қиляпмиз?!

Биз эса:

«Бугунги ёшларимиз бошқача-да, бироз ўйнаб-кулса нима бўлибди, охир-оқибат ўзлигимизга қайтишар», деган мулоҳаза қобиғига ўралиб, таъбир жоиз бўлса, айрим пайтлари ўзимиз билган-билмаган ҳолда уларни рағбатлантириб туришдан нарига ўтолмаяпмиз.

"Замонанинг кўтаргани" фақат шуларми?! Минг йиллар давомида таркиб топган ўзбекона турмуш тарзимизга нима бўлди, кундалик ҳаётимизга билинар-билинмас сирғалиб кириб келаётган ёт унсурларнинг олдини олишнинг бошқача йўли йўқми? Ушбу саволларга жавоб излаш олдидан бир-икки ҳаётий мисолларга мурожаат қилайлик:

... Хонадон эгаси очилибсочилиб ёзган тўй дастурхонида ўтирибмиз. Дастурхон бут. Қовурма, барра гўшт, тандиркабоб, сархил мева-чева, хуллас истаган газагингиз топилади. Турфа рангли яхна ичимликлар... шароб дарёдай оқаяпти. Тўй соҳиби ҳатто ўғил-қизларининг раъйини қайтаролмай шу ҳудудда "мода"га кирган қўшиқчини ҳам олиб келибди. Анча-мунча чечан даврабоши ёллашибди. Давра аввалида мумтоз адабиётимиз намуналари, бугунги адабиётимиз дарғаларининг ашъорлари ўқилган бўлса, кейинчалик назмдан ҳам таъм кетди. Кимнингдир талаби билан жўқи шоир тўйбоп қилиб тўқиган "Эсмеральдо саргузаштлари", "Назар билан Али малимнинг хуфёна муҳаббати", "Жабборнинг ғалчалиги" ҳақидаги қофия, вазндан урвоқ ҳам топилмайдиган, аммо шаробга қонган дилларни жунбушга келтирадиган сатрлар олқишлар оғушида янгради. Сўнгра навбат тағин "эстрада санъатимизнинг ёрқин юлдузи"га берилди. Жазавани қўзғовчи оҳангга ўйнаб ёшлар чанги босилиб улгурмаган саҳнага чиқишди. Куёв боланинг дўстлари алоҳида давра қуриб олишган, биттаси қийшанглаб, эшилиб, ўзига ярашмаган хунук ҳаракатлар қилаяпти, ўнтаси унинг атрофини ўраб қарсакбозликка зўр берди, болалик йилларимда бир-икки гувоҳи бўлганим — аёлларнинг садр тушиши(аза билан боғлиқ маросим)га ўхшаб кетади бу манзара. Беихтиёр хаёлга бериламан: бизнинг давраларга бундай беҳаё кўринишлар қачондан кириб келди, яқин ўтмишда ароқнинг таъсирида "раққоса" жувоннинг муқомига илакишиб ўйинга чиққан киши одамлар шу даврани унутишгунича кўпчилик ўртасида кўриниш беришга уялиб юрарди, бугун-чи...

Тизгинсиз хаёлларимни рўпарамда ўтирган икки кишининг суҳбати тўзғитди:

— Бизди ўғилни қара, ўйинга жон киритиб юборади-я.

— Жиян бўладиган бола-да, ҳа, бўш келма, муқомларингдан тоғанг айлансин.

...Бир куни хонамга мен иқтидорини юқори баҳолайдиган ҳамкасб шогирдим кириб келди:

— Домла, шу теварак-атрофимиздаги савдогарларнинг танобини тортиб қўйиш мумкин эмасми, мактаб ўқувчисига тўғри келмайдиган маҳсулотлар бозорини "гуллатишяпти".

Ёш ўқитувчи — шогирдимга раъй бериб, гап нимада эканлиги билан қизиқдим. Англасам, у юқори синфлардан бирига дарс бераётганида пичирлашиб ўтирган икки боланинг тахминан қуйидагича гурунгини эшитиб қолибди:

— Шу артист жуда чиройли нарса-да.

— Ҳа, қоматини қара!

Гап ўқувчилардан бирининг "умумий дафтар"и муқовасига зарб этилган "эстрада юлдузи"нинг ярим-яланғоч расми устида кетаётган экан.

— Мен нима ҳам қила олардим, — дедим хунобим чиқиб.

— Ҳеч бўлмаса мактаб атрофида шундай дафтарларни сотишмасин.

Мийиғида кулиб қўйишдан ўзга чора тополмадим. Тўғри, шогирдимнинг фикри ўринсиз эмас, борингки, мактаб атрофидаги бир ёки икки савдогарнинг шундай маҳсулотларни сотишига монелик қилиш қўлимдан келар, жуда бўлмаса тегишли мутасадди ташкилотлар мурожаатимни инобатга олар, аммо, шу билан кун сайин савдо расталаримизни ишғол этиб бораётган бундай маҳсулотлар оқими ўз-ўзидан камайиб қоладими?

Муқовасини замонамизнинг "юлдузча"лари безаётган дафтарларни кимдир бизга четдан олиб кираётгани йўқ. Улар ўзимизда моддий манфаатдорлик деб аталмиш сержилва мақсад оғушида яратилаяпти. Ана шу мақсад ортида болаларимизнинг тарбияси бузилиши, фикру-зикрида ахлоқсиз ўйлар пайдо бўлиши мумкинлиги шундай маҳсулотларни ишлаб чиқараётган ва сотаётганларнинг хаёлидан ўтармикан?

...Қаршидаги буюм бозорини айланиб юрибман, спорт либослари билан савдо қилаётган йигит бежирим футболкани тумшуғимга тиқиб мақтайди. Унинг растасини томоша қилиб, айтганлари бежиз эмаслигини англайман. "Реал", "Ювентус", "Милан", "Челси", "Манчестер Юнайтед" клублари, Бразилия, Англия, Италия, Франция ва бошқа ўнлаб давлатлар терма жамоалари тамғаси туширилган футболкалар, кўпчилигимиз ўқиб маъносини чақолмайдиган сўзлар, суратлари ҳам бор. Шу ўринда машҳур грузин ёзувчиси Нодар Думбадзе сафар хотираларида битган бир воқеа хотирамда гавдаланди. Қайсидир йили делегацияга қўшилиб АҚШга бориб қолган ёзувчи бу ердагиларнинг аксарияти енгилгина футболкалар кийиб олганини кўриб, либосини ўзгартирибди. Кейин у қаерга

## *Mulohaza*

борса, одамлар эгнидаги майкага қараб кулишармиш. Ёзувчи ҳайрон, ҳамма шу русумда кийинган бўлса, нега фақат унигина калака этишаяпти, ҳатто бармоғини бигиз қилиб кўрсатаётганлар ҳам учраб турибди.

"Йўлбошловчимиздан бунинг сабабини сўрасам, у ҳам футболкамдаги ёзувни ўқиб, қаҳ-қаҳ отиб кулди. Билсам, айнан кўкрагим устидаги ёзув "Фалон рақамли хавфли жиноятчи" деб ёзилган экан",– деб ёзади адиб.

Мана сизга Ғарбнинг оддийгина маҳсулотида олға сурилаётган "ғоя"лардан бир чимдим мисол!

— "Насаф", "Пахтакор", "Бунёдкор"нинг футболкаси йўқми, — сўрадим энсам қотиб.

Йигитча навбатдаги харидорни эмас, ғалати нарсани томоша қилаётгандек термулди, сўнг заҳархандалик билан деди:

— Кечирасиз, ака, ҳали унақаси ишлаб чиқарилмаган.

— Ҳеч бўлмаса Ўзбекистон терма жамоасиники бордир,— бўғилишда давом этаман ва томдан тараша тушгандек жавобни оламан:

— Унақасини ўзингиз ишлаб чиқарганда киярсиз.

**Биз юртимизда янги ҳаёт асосларини барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган "оммавий маданият" ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак.**

**(Ислом Каримов, "Юксак маънавият — енгилмас куч")**

Бу кузатганларимиз Ғарбда оддийгина қилиб "оммавий маданият" деб аталади. Қизиқ, маданият оммавий бўлса, унинг маданиятлиги қоладими?! Қайси давр ва замонда юксак маданият оммавий бўлибдики, биз унга кўр-кўрона эргашсак? Оммавийлик ҳаммабопликдир, ҳаммабоплик эса ақлни чархлашдан, бугунги билганларини эртага амалга оширишдан, тараққиётдан йироқликдир.

Аслида "Оммавий маданият" тамғаси остида кириб келаётган ахлоқсизлик, фаҳш, бузуқлик, зўравонлик нафақат бизнинг, балки дунёдаги ҳеч бир халқнинг миллий маданияти, қадриятларига мос эмас. Агар биз бу ҳаётий ҳақиқатни ёшларимиз онгига сингдириш ўрнига, зўр бериб уларни ўтказишга хизмат қилсак, ўзи ўтирган шохни чопиб, ерга қулаган Афандининг ҳолига тушамиз.

**Абдунаби АБДИЕВ,
Миришкор туманидаги
22-мактаб директори**

**Кутлаймиз!**



**Газетамизнинг фаол муаллифларидан бири, Миришкор туманидаги 22-мактаб директори Абдунаби Абдиев куни кеча якунланган журналистика соҳасида "Олтин қалам" V Миллий мукофотининг "Маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. Устозни ушбу эътироф билан самимий муборакбод этамиз.**

**КУНИ КЕЧА БУХОРО ВИЛОЯТИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ МАРКАЗИ ТАШКИЛОТЧИЛИГИДА «ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ» МАВЗУИДАГИ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ИШ БОШЛАДИ.**

Кўрик-танловнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Бухоро вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ў.Кораев барча иштирокчиларни табриклаб, омад тилади. Танловнинг якунловчи куни, яъни бугун Бухоро вилоятидаги барча туманларнинг методика кабинети мудирлари, информатика фани услубчилари ташкилотчилигида «Ахборот-коммуникация технологиялари — ўқув жараёни самарадорлигини ошириш омили» мавзуида меҳмонлар учун амалий семинар ҳам ташкил этилди.

Ташкилий қўмита раиси — Республика таълим маркази мутахассиси Баҳодир Болтаев танлов Низомидаги энг зарурий жиҳатлар билан қатнашчиларни яна бир бор таништириб ўтди. Бешта йўналишдаги номинация, баҳолаш мезонлари ва регламент билан таништирилган жамоалар орасидан энг муносиблари аниқланишига шубҳа йўқ.

Танлов ғолиблари ва уларнинг ўзига хос иш тажрибалари билан газетанинг навбатдаги сонида танишишингиз мумкин.

**Сора ТОШЕВА**

**РЕСПУБЛИКАМИЗ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚУВ МАВСУМИ ЯКУНЛАНИШИГА ҲАМ САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ. ОЛДИНДА ЎҚУВ ЙИЛИ ДАВОМИДА ЭГАЛЛАНГАН БИЛИМ, КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРНИ НАМОЙИШ ЭТИШ СИНОВЛАРИ ТУРИБДИ.**

Куни кеча барча умумий ўрта таълим мактабларида дастлабки якуний аттестация жисмоний тарбия фани бўйича бошланди.

Бу йилги жисмоний тарбия фанидан ўқувчиларнинг давлат имтиҳонларини ҳеч қандай қийинчиликларсиз бажараётганларини кўриб, уларга ҳавасингиз келади. Биринчидан, ўқувчиларнинг аксарияти турли спорт тўгараклари аъзоси саналади. Иккинчидан эса, амалий ва назарий топшириқлар юртимиз таълим тизимидаги ислоҳотлар асосида ўқувчининг ёши, психофизиологик хусусиятлари ва қизиқишларига тўла мослаштирилгандир. Ҳозирги имтиҳоннинг мақсади ўқувчиларни баҳолашдан кўра улар орасида жисмоний тарбия ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, келгусида ҳам спорт билан доимий ошно бўлиб қолишни кўзда тутмоқда. Шу сабаб жорий йил Шайхонтоҳур туманидаги 59-мактабни тамомлаётган 118 нафар ўқувчи ҳам жисмоний тарбиядан амалий ва назарий имтиҳон топшириқларини иштиёқ билан, юқори натижаларни қайд этган ҳолда бажармоқдалар.

Айрим ўқувчилар томонидан белгиланган меъёрлар ортиғи билан қайд этилиши эса спортнинг ўқувчилар орасида анча оммалашганидан далолат беради. Дейлик, 9-«Д» синф ўқувчиси Шерзод Шуҳратов узунликка сакрашда жисмоний талаблардаги 4 метрдан юқори — 4,8 метрлик натижани қайд этди. Миллий кураш тўгараги аъзоси Бегзод Ашуров учун эса миллий курашнинг мураккаб элементларини намойиш этиш ҳеч гап эмас. Амалий топшириқларга футбол, миллий кураш, баскетбол, қўл тўпи ҳамда волейбол сингари спорт турлари элементларининг киритилиши ҳам ўқувчилар учун айни муддао бўлди.

**Санжар РУСТАМОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

**БУГУНГИ КУНДА ОДАМ САВДОСИ ХАЛҚАРО МИҚЁСДАГИ ГЛОБАЛ МУАММОЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан одам савдосига қарши курашишга оид миллий қонунчилигимизнинг мазмун-моҳияти, мазкур умумбашарий иллатга қарши мамлакатимизда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва чора-тадбирлар натижалари юзасидан жойларда учрашувлар, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказиб келинмоқда. Ёшларни огоҳликка ундаш, уларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш ҳамда одам савдоси қурбонига айланишининг олдини олишга қаратилган ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимиздаги 28-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлиги ва унинг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ходимлари, Собир Раҳимов туман ҳокимияти, прокуратура, ИИБ, суд идоралари ҳамда "Камолот" ЁИҲ, "Маҳалла" жамғармаси вакиллари, шунингдек, бир қатор идора вакиллари иштирок этди. Тадбирда мутахассислар томонидан "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, ушбу жиноятчиликка қарши курашиш тизими, ваколатли органларнинг вазифалари, шунингдек, одам савдоси "қурбонлари"нинг ҳимояси ва ижтимоий-ҳуқуқий реабилитацияси масалалари юзасидан ўқувчи ва ўқитувчиларга атрофлича маълумот берилди.

**МУХБИРИМИЗ**

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТ МАТБУОТ УЙИДА ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН "ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИ — БОШ МЕЗОН" МАВЗУСИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари, вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарияти ва бўлим бошлиқлари иштирок этган анжуманда соҳага доир муҳим масалалар муҳокама қилинди.

— Бугунги кунда мактабларимиз янгидан бунёд этилиб, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди, — дейди вилоят ХТБ бошлиғи А.Умаров. — Эндиликда, ўқувчилар билимининг давлат таълим стандартлари талабига мослигини таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ички ва ташқи назорат ишларини ўтказишда сифат бирламчи масалага айланди. Мониторинг жараёнида ўқувчилар билимида аниқланган бўшлиқларни тўлдириш юзасидан тавсиялар берилиб, фанларни паст ўзлаштирган ўқувчилар учун қўшимча дарслар ташкил этилмоқда.

Ҳар бир туманда фанлар кесимида энг илғор, тажрибали ўқитувчилар аниқланиб, уларга 3 нафардан ёш мутахассис тажриба ўрганиш учун бириктирилди.

Анжуманда бошқарма раҳбарияти ва бўлим бошлиқлари журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб беришди.

**Ҳаким ЖЎРАЕВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**




**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ, ВИЛОЯТ "ЭКОЛОГИЯ" ҚЎМИТАСИ, "КАМОЛОТ" ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ҲАМКОРЛИГИДА "БИОЭКОСАН" ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН КЎРИК-ТАНЛОВ ЁШЛАРНИНГ ҚАНЧАЛИК ГУЛСЕВАР ВА ҚУШПАРВАР ЭКАНЛИКЛАРИНИ СИНОВДАН ЎТКАЗДИ.**

Ҳаяжонли дақиқалар ва қизиқарли беллашувларга бой бўлган тадбирда "Энг яхши расм ва қўл меҳнати билан ясалган қуш" йўналишида Қизириқ туманидаги 16-мактаб ўқувчиси Сафарали Бўриев, "Қушлар ҳақида энг яхши ҳикоя, шеър, эртак ёзиш" бўйича Термиз шаҳридаги 3-мактаб ўқувчиси Ситора Норбўтаева, "Эко Эрудит" танлов-викторинаси саволларига жавоб беришда Шеробод туманидаги 17-мактаб ўқувчиси Эгамшукур Холиёров, ўз гулини парваришлашда Жарқўрғон туманидаги 17-мактаб ўқувчиси Нодира Бўриева ғолибликни қўлга киритиб, танловнинг республика босқичида иштирок этадиган бўлди.

"Баҳор — гул ва сайроқи қушлар фасли" шиори остида ўтган кўрик-танлов ўқувчиларнинг жаннатмакон диёримиз табиати ва ҳайвонот олами ҳақидаги билимларини бойитишга хизмат қилгани, шубҳасиз.

**Норқувват ТЎРАЕВ**

*Термиз шаҳри.*

**ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ ҲУКУМАТЛАРИНИНГ КЕЛИШУВЛАРИГА АСОСЛАНГАН ҲОЛДА ТОШКЕНТДА ЖОЙЛАШГАН «БИЛИМ» АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ НЕГИЗИДА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ГРАНТИГА МУВОФИҚ ҲАМДА КОРЕЯ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК АГЕНТЛИГИНИНГ БЕВОСИТА ЁРДАМИДА «ИЛМИЙ-ТЕХНИК АДАБИЁТЛАР ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАСИ» ЯРАТИЛДИ. ЯҚИНДА МАЗКУР КОМПЛЕКСНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛДИ.**

Маълумки, 2008—2009 йиллар давомида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Республика ахборот-кутубхона маркази ва Корея Республикаси мутахассислари ҳамкорлигида «Илмий-техник адабиётлар кутубхонаси» лойиҳаси амалга оширилди. Электрон кутубхона биносини тўла таъмирдан чиқариш ва безаш ишларини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бажарган бўлса, кутубхонани компьютер техникаси ва мебель, зарурий жиҳозлар билан таъминлаш, уларни ўрнатиш ишларини кореялик мутахассислар амалга оширди. Электрон кутубхона ходимлари Кореяда автоматлаштирилган кутубхона таъминотини техник бошқариш, электрон ресурсларни шакллантириш каби йўналишлар бўйича малака ошириб келдилар.

Очилиш маросимида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Чон Дэ Ван, Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси аъзоси жаноб Мун Хак-джин ва бошқалар иштирок этди.

Бундай кутубхоналарнинг ташкил этилиши аҳолига информацион кутубхона хизматини амалга ошириш, кутубхона тизимида коммуникацион технологияларнинг ривожланишида муҳим омиллардан саналади.

**О.МУРОДУЛЛАЕВА**

**БОЛАЛАРНИНГ ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРИ ЎҚИТУВЧИДА. МАМЛАКАТИМИЗ ҲУДУДИДА УЧРАЙДИГАН ЁВВОЙИ ҲАМДА ХОНАКИ ҲАЙВОНЛАР НОМИНИ ИККИ ҚАТОР ҚИЛИБ ФРАНЦУЗ ТИЛИДА ЁЗГАН МУАЛЛИМА СУРАЙЁ ҲУСАНОВА УЛАРГА ШУНДАЙ ТОПШИРИҚ БЕРДИ: «БУ РЎЙХАТНИ ДАВОМ ЭТТИРИНГ».**

Уйга вазифа берилган бўлса-да, ўқувчилар синфдан ташқари машғулотнинг якунига етишини истамай, ўринларидан жилгиси келмасди. «Француз тилини ўрганамиз» деб номланган ушбу тўгарак Шайхонтоҳур туманидаги 136-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари учун «Май — хорижий фанлар ойлиги»ни мазмунли ўтказишда яна бир восита бўлиб хизмат қиляпти. Шунингдек, мактабда «Инглиз тилини ўрганамиз» тўгараги ҳам фаолият кўрсатаётган бўлиб, унга ёш мутахассис Умида Файзуллаева бош-қош.

Таълим даргоҳида инглиз ва француз тилларидан фан ойлиги бошланишида ўқувчилардан кириш тестлари олинди. Мақсад — ойнинг иккинчи ярмига бориб, чиқиш тестлари олиш ва ўқувчилар билим самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат. Бунинг учун ўқитувчилар 5—9-синф ўқувчилари билим даражасига қараб, тарқатма материаллар, кўргазмали воситалардан фойдаланишмоқда.

**МУХБИРИМИЗ**

**НАМАНГАН ШАҲРИДАГИ 17-МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ БИНОСИ КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАНИБ, БОЛАЖОНЛАР ИХТИЁРИГА ТОПШИРИЛДИ. БУ БОЛАЛАР ҚУВОНЧИГА САБАБ БЎЛИШИ ҚАТОРИ БУТУН МАҲАЛЛА АҲЛИНИ ҲАМ ШОДЛАНТИРДИ.**

— Янги боғчамиз 280 нафар болага мўлжалланган. Қувноқлар даргоҳи бугуннинг ўзида 130 нафар кичкинтойни қабул қилди, — дейди боғча мудираси Ҳикматой Мўминова. — Бинонинг қурилиш-таъмирлаш ишларига давлат бюджетидан 149 миллион сўм ажратилиб, барча ишлар ўз вақтида сифатли бажарилди.

Тадбирга шаҳарнинг энг илғор МТМ мудиралари таклиф этилиб, илғор иш тажрибалари ўртоқлашилди. Бу ўз навбатида янги муассаса фаолиятини ташкил этишда қўл келиши шубҳасиз.

— Бу боғчанинг хайрли ишлари нафақат вилоят, балки республикада ҳам тан олинган, — дейди шаҳар ХТБ мутахассиси Светлана Адибоева.

Наманган шаҳрининг Гулбоғ ҳамда Яккасада маҳаллалар оралиғида қад кўтарган мактабгача таълим муассасаси «Баркамол авлод йили»да кичкинтойларга ажойиб совға бўлди.

**Пўлат ҲАМДАМ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА ХАЛҚ ҲОФИЗИ, БАСТАКОР ОРИФХОН ҲОТАМОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН «НАЗМ ВА НАВО» КЕЧАСИ БЎЛИБ ЎТДИ. КЕЧАНИ ФАХРИДДИН СОДИҚОВ НОМИДАГИ СОЗАНДАЛАР АНСАМБЛИ ҲОФИЗ КУЙ БАСТАЛАГАН «ҚОШИ ЁСИНМУ ДЕЙИН» ҚЎШИҒИ БИЛАН ОЧИБ БЕРДИ.**

— Ҳар бир етук санъаткорнинг билими ва ижро амалиёти билан боғлиқ йўналиши бўлади. Тарихимизга боқсак, мана шундай йўналишга эга бўлмаган ҳофиз ҳофиз саналмаган, — дейди профессор Сойибжон Бегматов. — Устоз Орифхон Ҳотамов эса ўз мактабига ва ижро услубига эга бўлган санъат фидойиси эди.

Концертда мумтоз шоирларимиз ғазалларига басталанган куй-қўшиқлар ижро этилди. Айниқса, Эркин Рўзиматов ижросидаги Орифхон Ҳотамовга бағишланган марсия йиғилганлар олқишига сазовор бўлди.

**Зебо НАБИЕВА,**
**талаба**

**658 mln. so'mdan ziyod mablag' evaziga bunyodkorlik ishlari bajarilgan bu dargohda o'quvchilarning yuksak cho'qqilarga ko'tarilishi uchun o'ziga xos tajriba va imkoniyatlar yaratildi.**

*Ixtisoslashtirilgan ta'lim muassasalarida*



# ИҚТИДОРЛИЛАР МАСКАНИ БУ

**Қўшкўпир туманидаги 1-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиларига кўпчилик ўғил-қизлар ҳавас билан қарашади. Чунки мазкур мактаб ўқувчилари кўп йиллардан буён фан олимпиадалари ва турли кўрик-танловларда муваффақият қозониб, ном чиқарганда. Хўш, ўқув даргоҳининг бундай ютуқларга эришаётганлигининг сири нимада?**

— Аввало, барча куч ва имкониятларни таълим-тарбия жараёнига қаратганмиз, — дейди ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Баҳодир Қуриёзов. — Қолаверса, ота-оналар билан ҳамкорлик ҳам намунали йўлга қўйилган. Фақатгина жорий ўқув йилида мактабимиз педагог ходимлари томонидан 360 соатдан зиёд дарс ўзаро таҳлил қилинди. Ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ошириш, уларнинг иш тажрибасини ўрганиш мақсадида мунтазам иш олиб борилмоқда. Мактаб-интернат методбирлашмалари иши ҳам намунали ташкил этилган. Янги ўқув йилидан буён билим масканимизда 86 соат очиқ намунавий дарс ташкил этилиб, ота-оналар ҳам таклиф қилинди. Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг хулқи, тарбияси, билим олиши ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиши, янада аниқроғи, мактаб-оила ҳамкорлиги ўқувчилар муваффақиятига замин яратаётир.

— «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Хоразм вилоят бўлими, вилоят халқ таълими бошқармаси, маҳаллий телерадиокомпания ҳамкорлигида ташкил этилган «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» кўрик-танловининг вилоят босқичида муваффақиятли қатнашган ўқув муассасасининг «Беруний авлодлари» жамоаси биринчи ўринни эгаллаб республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди, — дейди иқтидорли ўқувчи Темур Жуманиёзов. — Мазкур танловда 7 нафар ўқувчидан иборат жамоанинг топқирлиги, зукколиги, билимдонлиги алоҳида эътироф этилди. Мардон Машарипов, Умида Исмоилова, Вазира Ҳайитбоева каби тенгдошларим ўзларининг кучли салоҳият эгалари эканликларини намоён этишди. Республика босқичидан ҳам ғолиб бўлиб қайтдик...

## ОЛИМПИАДА — БИЛИМЛАР СИНОВИ

Мактаб-интернатда фан олимпиадалари ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактаб босқичида ўқув даргоҳининг деярли барча ўқувчилари ўз билимларини синаб кўриш имкониятига эга бўлди.

— Фан олимпиадаларининг вилоят босқичида ўқув даргоҳимизнинг 14 нафар ўқувчиси иштирок этиб, ўз билимларини намоён қилди, — дея ҳикоя қилади ўқув муассасаси раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Бектурди Собиров. — Мунира Исмоилова француз тилидан, Моҳира Йўлдошева она тилидан биринчи ўринни эгаллаб, бугунги кунда синовнинг ҳал қилувчи республика босқичига тайёргарлик кўришаётир. Шунингдек, мазкур олимпиадада 9-синф ўқувчиларидан 6 нафари иштирок этиб, уларнинг тўрт нафари биринчиликка даъвогар бўлди. Айниқса, Мафтуна Ражабова француз тилидан 96,75, Суннатбек Ражабов эса «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фанидан 96,4 балл жамғариб, энг яхши натижага эришди. Вазира Ҳайитбоева, Умида Отажонова ҳам биринчилар сафида турибди, улардан умидимиз катта. Рақамларни таққослаб кўрадиган бўлсак, натижаларнинг ижобий бўлаётганлиги, ўқувчилар иқтидори юксак баҳоланаётганлиги кўнгилни равшан қилади. Демак, ўқитувчилар меҳнати самара бермоқда.

Бундан ташқари, яқиндагина вилоят ҳокимлиги, ҳудудий халқ таълими бошқармаси ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти томонидан табиий ва аниқ фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларнинг 8—9-синф ўқувчилари ўртасида «Биз ал-Хоразмий авлодларимиз» ҳамда «Менделеев издошлари» мавзусидаги танловда даргоҳ ёшларининг иқтидорли ўқувчилари алоҳида эътироф этилди. 9-синф ўқувчиси Машҳура Ибрагимова кимё фанидан (ўқитувчиси Феруза Саидова) ҳамда Азиза Раҳимова (ўқитувчиси Гулчира Қутимова) энг юқори натижага эришиб, фахрий ёрлиқ ҳамда совғалар билан тақдирланди.

## ТАЪМИРЛАШ ИМКОНИЯТНИ КЕНГАЙТИРДИ

Ўқув маскани 2008 йилда мукаммал реконструкция қилингач, таълим-тарбия жараёни янада такомиллашди. 658 млн. сўмдан зиёд маблағ эвазига бунёдкорлик ишлари бажарилган бу даргоҳда ўқувчиларнинг юксак чўққиларга кўтарилиши учун ўзига хос тажриба ва имкониятлар яратилди. Физика, кимё, биология фани хоналарига энг сўнгги русумдаги лаборатория жиҳозлари ўрнатилди.

— Янгидан 12та синфхонаси, ётоқхонага қўшимча бинолар ҳамда спорт зали, ювиниш хоналари қурилди, — дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Г.Раҳимов. — Ўқувчиларнинг баркамол авлод бўлиб етишишлари учун спорт катта имконият яратишини ҳисобга олиб, энг замонавий турдаги 37 хил жиҳоз келтирилди.

Ўқувчилар тураржойлари тамоман ўзгарди. Рангли телевизор, замонавий кроват, қулай яшаш имконини берадиган қаттиқ ва юмшоқ мебеллар хоналарга ўзгача файз бағишлаб турибди...

## ТЎГАРАКЛАР — КОНИ ФОЙДА

Мактаб-интернатда тўгараклар фаолияти учун ҳам қўлланмалар, адабиётлар ва зарур кўргазмалар ҳамиша тахт. «Ёш қаламкашлар», «Ўлкашунослар», «Ёш биологлар», «Ёш таржимонлар» доимо ўқувчилар билан гавжум бўладиган тўгараклардир. «Ёш қаламкашлар» тўгарагига 25 нафар ўқувчи аъзо. Шунингдек, Мактаб жамоаси Франциянинг Париж шаҳридаги Софье Жермон лицейи ўқувчилари билан 2007 йил 29 октябрдан бошлаб биродарлик алоқасини ўрнатган. Ўқувчилар француз тенгдошлари билан ана шу тилда кутубхонага ўрнатилган интернет орқали мулоқот олиб борадилар. Улар хат ёзиш, суҳбатлашиш бобида ҳам асло қийналмайдилар.

## ТАЖРИБАСИ ОММАЛАШГАН ЗИЁЛИЛАР

Муҳаббат Асқарова, Шукуржон Шомуродова — ўқув масканининг француз тили ўқитувчилари. Улар Франция давлати томонидан энг яхши ўқитувчиларга бериладиган «Пальма япроқлари» мукофотига сазовор бўлишган.

— Францияга бориб малака ошириб келдик, — дейди «Дўстлик» ордени соҳибаси Шукуржон Шомуродова. — Барча ўрганганларимни ўқувчиларим билан баҳам кўряпман. Францияликлар ҳам тез-тез мактабимизга келиб меҳмон бўлади, ўқитиш усулларимиздан кўнгиллари тўлади. Хоразмлик ўқувчиларнинг соф француз тилида шеър, қўшиқ айтишлари, саҳна кўринишлари уларнинг эътирофига сазовор бўлмоқда.

Ҳар икки француз тили ўқитувчисининг иш тажрибаси республикамизда оммалашганлиги бежиз эмас. 6 нафар ўқитувчининг иш тажрибаси эса вилоят миқёсида оммалаштирилган. Дилдора Абдуллаева, Зеваржон Норбоева, Барно Худойберганова ана шундай меҳнати ибратга лойиқ заҳматкаш касб фидойиларидир.

Ўқув даргоҳининг ҳар бир куни муваффақиятга тўлиқ. Бу ютуқлар замирида эса юртимизда баркамол авлод тарбиясига қаратилаётган юксак эътиборга ҳамоҳанг меҳнат қилаётган заҳматкаш ўқитувчиларнинг муносиб ҳиссалари мужассам.

**Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,**
**"Ma'rifat" мухбири**

*Yangi nashr*

# ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЧИЛАРГА ЖУДА АСҚОТАДИ

Мамлакатимизда таълим тизимидаги ислоҳотларнинг натижаларига баҳо берар эканмиз, муҳтарам Президентимиз И.Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринли бўлади: "Ўтган йили мамлакатимиз ҳаётида ҳақиқатан ҳам улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим ижтимоий дастурлар — Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълими босқичини ўз ичига олган узлуксиз яхлит таълим тизими яратилди. Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга умумий таълим билан бирга замонавий касб-ҳунарларга эга бўлиш имконини берадиган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш якунланмоқда" (Каримов И.А. Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Т., "Ўзбекистон", 2010, 80-б). Таъкидлаб ўтилганидек, таълим соҳасидаги буюк дастурларимиз ўз вақтида, узоқни кўзлаб ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилганлиги нақадар тўғри бўлганлигини бугун мамлакатимиз эришган юксак марра ва натижалар яққол намоён этмоқда.

Мазкур дастурларда белгиланган вазифаларнинг ижроси мавзуга оид илмий ишлар кўламини кенгайтиришни тақозо этмоқда. Таълим тизими тараққиётининг долзарб масалалари юртимиз тадқиқотчи олимларининг илмий ишларида ҳам ўз аксини топаяпти. Иқтисод фанлари номзоди Азамат Эргашевнинг иқтисод фанлари доктори, профессор М.Саидов таҳрири остида жорий йилда чоп этилган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида иқтисодий бошқарув" монографияси ҳам мана шу долзарб мавзу тадқиқига бағишланган.

Муаллиф мазкур монографияда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими (ЎМКҲТ) тизимида иқтисодий бошқарувнинг долзарб масалаларини тадқиқ этган. Унда ЎМКҲТ тизимини иқтисодий бошқаришнинг назарий-услубий асослари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда бошқарувнинг молиявий-иқтисодий механизми ва уни такомиллаштириш истиқболлари атрофлича ўрганилган. Шунингдек, ЎМКҲТ тизими маркетинг хизматлари ва уни ривожлантириш имкониятлари ҳамда тизимда хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш имкониятлари ўрганилган.

Монография "Бизнес ва бошқарув" соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликларида таҳсил олаётган талабалар, магистрантлар, аспирантлар, илмий тадқиқотчиларга, шунингдек, амалиётчи мутахассислар, таълим тизимида фаолият юритаётган раҳбар ходимлар, педагоглар малакасини оширишда фойдаланишга мўлжалланган.

"Таълим менежменти" фани магистратуранинг барча мутахассисликларида ўрганилади, мазкур монографиядан узлуксиз таълим тизимининг бўғинларидан бири — ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими менежментига оид мавзуларни ўрганишда қўшимча адабиёт сифатида фойдаланилиши мумкин.




Монография ЎМКҲТ тизимини бошқаришнинг иқтисодий моҳияти ва объектив зарурияти, тизимда иқтисодий бошқарувнинг концептуал жиҳатлари ва унинг самарадорлигини ошириш омиллари тадқиқ этилганлиги, таълим муассасаларининг молиявий-иқтисодий тизими ва уни такомиллаштириш йўллари, ЎМКҲТ тизимида иқтисодий бошқарув самарадорлигини ошириш ва уни баҳолаш тизимини ривожлантириш истиқболлари ўрганилганлиги билан ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга.

Таълим тизимидаги ислоҳотлар жараёни, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш бугунги кунда давлатимизнинг ва Юртбошимизнинг диққат марказида турган долзарб масаладир. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Осиё Тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг очилиш маросимидаги нутқида ҳам: "Сўнгги йилларда янги барпо этилган 1,5 мингдан ортиқ коллеж ва лицейларда 1 миллион 500 минг нафардан зиёд йигит-қиз ўрта техник ва гуманитар таълим олди, 2-3 мутахассисликка эга бўлди, хорижий тилларни, асосан инглиз тилини ўрганди. Буларнинг барчаси, кейинги йилларда таълим учун сарфланган харажатлар мамлакатимиз Давлат бюджетининг 37 фоизидан ошганини, соғлиқни сақлаш тизимига йўналтирилган харажатлар билан бирга ҳисоблаганда, 50 фоиздан ортиқни ташкил этганини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистон нақадар юксак малакали кадрлар ва инсон капитали салоҳиятига эга экани яққол намоён бўлади" дея таъкидланган.

Таълим тизимининг, жумладан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни ва унинг бу жараёнга кўрсатадиган таъсири йилдан йилга кучайиб бормоқда. Иқтисодиёт тармоқлари учун замон талаби даражасидаги малакали ишчи ва ходимлар тайёрлаш ҳамда уларнинг ихтисослик бўйича савиясини ошириб боришнинг узлуксиз тус олиши, таълим тизимининг халқаро андозаларга мос механизмини яратиш, уни такомиллаштириб бориш, касбий малака билан бирга уларнинг ҳуқуқий, маънавий-маърифий, иқтисодий тафаккур тарзини камол топтириш шу соҳадаги ислоҳотларнинг пировард мақсади бўлмоғи лозим.

Шу маънода мазкур монография таълим тизимини ривожлантириш истиқболларига бағишланган илмий-тадқиқот ишлари қаторида ўз муносиб ўрнига эга бўлади, дейиш мумкин.

**Улуғбек АЛИЕВ,**
**Муниса ҲАКИМОВА**

# АМАЛИЁТ — МАҲОРАТНИ ТОБЛАЙДИ

*Kollejlar hayotidan*

Мактабда умумий ўрта маълумот олингандан кейин ҳар бир ўсмир келажакда қандай касбни танлаши лозимлиги ҳақида ўйлаши табиий. Ёшлар онгида танлаган касбига меҳр уйғотишда, эгаллаётган мутахассислиги бўйича етарли билим, кўникма олишида, ўқув муассасалари орасида, айниқса, касб-ҳунар коллежлари жамоалари зиммасига катта масъулият юкланади.

Навоий вилоятида самарали фаолият юритаётган ўқув масканларидан бири Навоий техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежидир. Мазкур таълим даргоҳида 2614 нафар ёш авлодга 8та мутахассислик бўйича 160дан ортиқ педагог-муҳандис таълим бериб келмоқда. Бу масканда халқ хўжалигининг турли соҳаларида керак бўлган кичик мутахассислар тайёрланади, жумладан, иқтисодий соҳа учун бўлажак ҳисобчилар ва банк ходимлари ўз билимларини мустаҳкамлаётган бўлса, машинасозлик ва кимё саноати учун пайвандчилар, технолог, лаборатория ходимлари таҳсил олмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқ хўжалигининг барча соҳаларида жорий этилаётган илғор технологиялар бўлажак мутахассис кадрларнинг пухта билимга ва тажрибага эга бўлиши кераклигини тақозо қилади. Шу боис коллежда ўқувчи-ёшлар учун барча шарт-шароит ва имконият яратишга ҳаракат қилинмоқда.

Коллеж ўқувчиларининг бўш вақтларидан унумли фойдаланиш мақсадида умумтаълим ва мутахассислик фанларидан ишлаб чиқариш ва фан тўгараклари фаолияти тизимли йўлга қўйилган. Таълим даргоҳининг ахборот-ресурс марказида 21 мингдан ортиқ турли фан соҳаларига оид дарслик, ўқув қўлланма, ижтимоий-сиёсий ва бадиий адабиётлар мавжуд. Кутубхонанинг электрон ахборот-ресурс технологиялари бўлими керакли техник жиҳозлар билан таъминланган бўлиб, педагог ходимлар ва ўқувчилар улардан ўзлари учун қулай вақтда фойдаланиш имкониятига эга. Шунингдек, таълим даргоҳида компьютер саводхонлиги курслари ва турли спорт тўгараклари фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

— Коллежимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши, соғлом турмуш кечириши учун кўмак бериш ва кенг имкониятлар яратиш, ўқувчиларга билим бериш билан бир қаторда уларнинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини аниқлаш, тарбиялаш асосий вазифаларимиздан ҳисобланади, — дейди коллеж директори М.Шамсиев, — шу сабабли ҳам вилоят ИИБ, шаҳар прокуратураси, шаҳар жиноий ишлар бўйича суди билан ҳамкорликда мунтазам равишда давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Бу тадбирлар ўқувчи-ёшларимизни огоҳ бўлишга, ҳар қандай иллатлар домига тушиб қолишидан асрашга даъват қилади.

Коллежда назарий билим бериш билан бир қаторда ўқув амалиётини ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир. «Навоийазот» ОАЖ, Навоий иссиқлик станцияси каби корхоналар билан ҳамкорлик шартномалари тузилганидан сўнг ўқувчилар устозларидан олган назарий билимларини амалий машғулотларда бемалол қўллай олиш имкониятига эга бўлди.

**Малоҳат ЖЎРАЕВА,**
**АРМ етакчи мутахассиси**

# ЎҚУВЧИ МУВАФФАҚИЯТИ — УСТОЗ МЕҲНАТИ КЎЗГУСИ

Даштобод шаҳридаги транспорт касб-ҳунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси Зебо Фозилова «Уруш бўлмасин жаҳонда» мавзусида ўтказилган иншолар танловининг ҳудудий босқичида 1-ўринни қўлга киритди.

Унинг бундай ютуққа эришиши тасодиф эмас.

— Иншолар танловида ғолиб чиқишимда устозим Дилбар Донобоеванинг хизматлари беқиёс, — дейди З.Фозилова. — Ўқитувчимиз ўзининг изланувчанлиги ва ижодкорлиги билан ҳаммамизга ибрат бўлади. Айниқса, унинг нутқ маданиятини ошириш ва давлат тилида иш юритиш борасида бизга бераётган дарс ва сабоқларини интиқ кутамиз. Нутқ орқали инсоннинг ички дунёси ўзаро мулоқотда очиқ намоён бўлади. Давлат тилида иш юритишни яхши ўзлаштирган ўқувчи эса нафақат дарс жараёнида, балки ҳаётнинг ҳар жабҳасида расмий ҳужжатларни тўлдиришда хатоларга йўл қўймайди. Иншолар танловида бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Дарҳақиқат, 1-тоифали она тили ва адабиёт ўқитувчиси Д.Донабоеванинг иш тажрибаси ҳамкасбларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Дилбар ҳар бир дарс ва машғулотларни янги педагогик технологиялар асосида ноанъанавий усулда ташкил этишга ҳаракат қилади. Кўргазмали қуроллар, техник воситалар, маҳаллий материаллардан ўз ўрнида фойдаланади. Бундай усуллар ўқувчиларнинг дарсга муносабати ва қизиқишини кучайтирмоқда.

— Бугунги дарс кечагидан қайсидир жиҳатлари билан озгина бўлса-да фарқланиб туриши керак, — дейди муаллима. — Албатта, ҳар бир дарсда ўқувчиларни ҳайратга соладиган мўъжиза яратиш қийин. Лекин ўқувчиларнинг диққатини ўзига жалб қилиш кўпроқ ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Мен ҳам ҳар куни дарс ва машғулотларнинг кириш қисмида, яна бир сафар якунида янгилик яратишга интиламан. Ана шунда ўқувчилар машғулотдан қандайдир янгилик, мазмун кутади. Бу ўқитувчининг ўз олдига қўйган мақсадини амалга оширишнинг энг таъсирчан ва мақбул йўлидир.

Д.Донабоева раҳбарлигидаги «Ёш ниҳоллар» ижодкорлар тўгараги ўзига кўплаб иқтидорли ёшларни бирлаштирган. Машғулотларда ўқувчилар бадиий ижод сирларидан воқиф қилиниб, уларнинг шеърий машқлари таҳлил этилади. Ижодкорларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш бўйича ноанъанавий тадбирлар ўтказилмоқда. Эътиборли томони шундаки, бу каби тадбирлар шаҳар ҳудудидаги 10га яқин мактабда ҳам ташкил этилди. Мактаб ўқувчиларининг бундай тадбирларга истак ва қизиқиши кучайди. Натижада бугунги кунда 50, 65-мактаб ўқувчилари ҳам тўгаракнинг фаол қатнашчиларига айланмоқда.

Адабиёт дарсини яхши ўзлаштираётган ўқувчилар фан олимпиадалари ва турли кўрик-танловларда иштирок этмоқда. Ўқувчилардан Севара Яхшибоева «Энг яхши китобхон» танловида совринли ўринни эгаллади. Миркамол Умматқулов, Зебо Номозова каби ўқувчилар вилоят ижодкор ёшларининг «Сангзор» клубига аъзо бўлишди. Уларнинг шеър ва мақолалари турли матбуот нашрларида эълон қилинмоқда. Тўгарак қатнашчилари коллежнинг радиоузели орқали ҳар куни чиқишлар қилишади. Унда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар, янгиликлар ҳақида ўқувчиларга ахборот етказилади. Тўгаракнинг «Тенгдошларим ижодидан» деворий газетаси мавжуд.

Бу каби тадбирларни ташкил этишда Дилбар Донабоеванинг ўзига хос тажрибаси бор. Тажрибали устознинг туман ва вилоят миқёсида очиқ дарслари ташкил этиляпти. Уларда устоз-мураббийлар изланувчан ўқитувчининг иш тажрибасини ўрганиб, ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашмоқдалар.

**А.СОДИҚОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**



## *May — xorijiy tillar fanlari oyligi*

**Шайхонтоҳур туманидаги 92-мактабда ўқувчилар бошқа хорижий тиллар қатори ҳинд тилини ҳам пухта ўрганмоқда. Шунингдек, мактаб Ҳинд маданий маркази билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйган. Таълим муассасасида ўтадиган ҳар бир тадбирда маданий марказ вакилларининг иштирок этиши анъанага айланган.**

**Май — хорижий тиллар фанлари ойлиги муносабати билан маданий марказ билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда ўқувчилар инглиз ва ҳинд тилларида ёд олган шеърлари, саҳна кўринишларини намойиш этиб, ўзбек ва ҳинд халқининг миллий қадриятларини, тимсолларини акс эттирувчи расмлар, ижодий ишлар кўргазмасини ташкил қилдилар.**

**— Фан ойликлари муносабати билан ташкил этилаётган тадбирларда ўқувчиларимиз ўз ижодий ишлари билан фаол иштирок этмоқда, — дейди мактаб раҳбари Г.Алимуҳамедова. — Ушбу тадбирда ҳам ўқувчиларимиз томонидан ижро этилган ўзбек ва ҳиндча рақслар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.**

**Фан ойлиги давомида очиқ дарслар фестивали, турли музейларга саёҳат уюштириш ҳам белгилаб олинган.**



**Б.РИЗОҚУЛОВ**
**олган суратлар.**

# ТЕНДЕРГА ТАКЛИФ

**Сана: 13.05.2010**
**Кредит рақами: 2191 — UZB (SF) — "Умумтаълим мактабларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш" лойиҳаси.**
**Шартнома номи: Телевизор, DVD плеер ва рақамли фотокамераларни харид этиш ва етказиб бериш.**

1. Ушбу тендерга таклиф Осиё Тараққиёт Банкининг 2005 йил 8 ноябрдаги «ОТБ бизнес имкониятлари» 1-сонли нашридаги Умумий харид эълони асосида тайёрланди.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Умумтаълим мактабларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» лойиҳасини молиялаштириш мақсадида Осиё Тараққиёт Банкининг 2191-ЎЗБ (МФ)-сонли кредити маблағларини жалб этган ва ушбу маблағлар ҳисобидан республика умумтаълим мактаблари учун телевизор, DVD плеер ва рақамли фотокамераларни харид этиш ва етказиб беришни режалаштирган.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги лаёқатли иштирокчилардан телевизор, DVD плеер ва рақамли фотокамераларни харид этиш ва етказиб бериш бўйича муҳрланган тендер таклифларини қабул қилади.

| | |
|---|---|
| L01 — | **Ясси экранли CRT телевизорлар ва DVD плеерларни етказиб бериш.** Ушбу лот жойларга 560 дона телевизор ва 560 дона ДВД плеерларни етказиб беришни таъминлайди. |
| L02 — | **Рақамли фотокамераларни етказиб бериш.** Ушбу лот жойларга 560 дона рақамли фотокамераларни етказиб беришни таъминлайди. |

Маҳсулотларнинг тўлиқ тафсилотлари Тендер ҳужжатларида келтирилган.

4. Халқаро тендер савдолари Осиё Тараққиёт Банкининг **бир босқичли, бир конвертли** тендер тартиб-қоидалари асосида ўтказилади. Тендерда ОТБ аъзоси бўлган мамлакатлардан бўлган корхона ва ташкилотларгина иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

5. Тендерда қатнашишга ҳақли бўлган корхона ва ташкилотлар юқоридаги ускуналарни етказиб бериш бўйича тендер ҳужжатларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига ушбу эълоннинг охирида келтирилган манзил бўйича, **соат 09:00дан 17:00гача,** душанбадан жумагача мурожаат этишлари мумкин.

6. Тендер ҳужжатлари инглиз тилида бўлиб, Иштирокчилар уларни ушбу эълоннинг охирида келтирилган манзилга ёзма ариза билан мурожаат этганда ва **100 АҚШ доллари** қийматидаги маблағни қуйидаги банк реквизитларига ўтказганидан кейин олишлари мумкин:

| | |
|---|---|
| Сўмда тўлаш учун: | Халқ таълими вазирлиги<br>Ўзбекистон Республикаси ТИА МБ<br>Марказий Амалиёт бўлими<br>Ҳ/р 20203000400101044008<br>МФО 00882 ва ИНН 202122808 |
| АҚШ долларида тўлаш учун: | Халқ таълими вазирлиги<br>Ўзбекистон Республикаси ТИА МБ<br>Марказий Амалиёт бўлими<br>Ҳ/р 20203840800101044005<br>МФО 00882 ва ИНН 202122808 |

Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борувчи корхоналар **100 АҚШ доллари**нинг сўмдаги эквивалентини тўлов амалга оширилган кундаги Марказий банк томонидан белгиланган валюта айирбошлаш курси бўйича тўлайдилар. Тўлов юқоридаги ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Тендер ҳужжатларини олиш учун иштирокчилар томонидан тўланган тўлов қайтарилмайди. Хорижий давлатлардан бўлган иштирокчиларга тендер ҳужжатлари экспресс почта орқали юборилади. Маҳаллий корхоналар вакилларига тендер ҳужжатлари почта орқали ёки курьер орқали етказиб берилади. Иштирокчилар тендер ҳужжатларини ушбу эълоннинг охирида келтирилган манзилдан олишлари ҳам мумкин. Юборилган ҳужжатларнинг йўқолиб қолиши ёки кечикиб боришига Харидор жавобгар эмас.

7. Барча таклифлар ушбу эълоннинг охирида келтирилган манзилга **2010 йилнинг 27 июнь** куни Тошкент вақти билан **15:00дан** кеч қолмасдан топширилиши шарт. Таклифларда қуйидаги миқдорда таклиф кафолати бўлиши лозим.

| | | |
|---|---|---|
| L01 — | Ясси экранли CRT телевизорлар ва DVD плеерларни етказиб бериш. | 3 600 АҚШ доллари |
| L02 — | Рақамли фотокамераларни етказиб бериш. | 2 000 АҚШ доллари |

Маҳаллий иштирокчилар таклиф кафолатини хизмат кўрсатувчи банк томонидан таклиф кафолати берилган кундаги Марказий банк томонидан белгиланган валюта айирбошлаш курсларида ва чет эл иштирокчилари АҚШ долларида тақдим этишлари мумкин. Кечикиб топширилган таклифлар қабул қилинмайди. Таклифлар қатнашишни истаган иштирокчилар вакиллари иштирокида **2010 йилнинг 27 июнь куни соат 15:30да** очилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги иштирокчилар томонидан тендер таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга жавобгар эмас.

9. Тендер таклифларини таққослаш жараёнида ОТБнинг маҳаллий иштирокчиларга имтиёз бериш қоидаси Иштирокчиларга кўрсатмаларда белгиланган талаблар асосида амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги**
**Азизхон Акрамов, Лойиҳа менежери**
**Мустақиллик майдони, 5-уй**
**1-қават, 108-хона**
**Тошкент шаҳри, 100078**
**Телефон: (998 -71) 239-4802**
**Факс: (998 -71) 239-4803**
**Электрон манзил: ictbep@uzpak.uz**

# INVITATION FOR BIDS

**Date: May 13th 2010**
**Loan No.: 2191 - UZB (SF) - Information and Communications Technology in Basic Education Project**
**Contract: Supply and Delivery of TV sets, DVD Players and Digital Photo Cameras**
**Deadline for Bids: 15:00, June 28th 2010**

1. This Invitation for Bids follows the General Procurement Notice for this Project that appeared in the "ADB Business Opportunities", issue No.1 of 8th November 2005.

2. The Republic of Uzbekistan has received a loan from the Asian Development Bank (ADB) toward the cost of the **Information and Communications Technology** in Basic Education Project, and it intends to apply part of the proceeds of this loan to payments under the contract for the Supply and Delivery of TV sets, DVD Players and Digital Photo Cameras.

3. The Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan now invites sealed Bids from eligible Bidders for the Supply and **Delivery of TV sets, DVD Players and Digital Photo Cameras.**

| | |
|---|---|
| L01 - | **Supply and Delivery of Flat Screen CRT TV Sets and DVD Players.** The Lot stipulates supply and delivery of 560 units of TV sets and 560 units of DVD Players. |
| L02 - | **Supply and Delivery of Digital Photo Cameras** The Lot stipulates supply and delivery of 560 units of Digital Photo Cameras. |

Details and specifications are provided in the Bidding Documents.

4. International Competitive Bidding will be conducted in accordance with ADB's **Single-Stage: One-Envelope** procedure and is open to all Bidders from eligible countries.

5. Interested eligible Bidders may obtain further information from the Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan and inspect the Bidding Document at the address given at the end of this Invitation, from **9:00 am to 5:00 pm, from Monday to Friday.**

6. The Bidding Document, in English language, may be purchased by interested Bidders on the submission of a written application to the address given at the end of this Invitation and upon payment of a non-refundable fee of **USD 100** (one hundred US dollars) to the following bank accounts:

| | |
|---|---|
| For payments in USD: | Bank Account No.20203840800101044005<br>Bank Code: 00882, ID No.202122808<br>Central Operational Department of National Bank for Foreign Economic Activities of the Republic of Uzbekistan |
| For payments in local currency: | Bank Account No.20203000400101044008<br>Bank Code: 00882, ID No. 202122808<br>Central Operational Department of National Bank for Foreign Economic Activities of the Republic of Uzbekistan |

The local bidders shall pay the equivalent of **USD 100** (one hundred US dollars) at the exchange rate established by the Central Bank of the Republic of Uzbekistan on the date of execution of the payment. The method of payment will be a direct deposit to the specified account. The document will be sent via airmail/express mail for overseas delivery and surface mail, courier for local delivery. The Bidding Documents can also be picked up at the address given at the end of this Invitation. No liability will be accepted for loss or late delivery.

7. Bids must be delivered to the address given at the end of this Invitation at or before 3:00 pm. Tashkent time on June 27th 2010. All Bids must be accompanied by a Bid Security in the following amounts:

| | | |
|---|---|---|
| L01 - | Supply and Delivery of Flat Screen CRT TV Sets and DVD Players | USD 3 600 |
| L02 - | Supply and Delivery of Digital Photo Cameras | USD 2 000 |

The Bid Security of local Bidders may be in local currency at the exchange rate of Central Bank of the Republic of Uzbekistan on the date of issue of Bid Security by issuing bank and foreign Bidders from abroad in USD. Late bids shall be rejected. Bids will be opened in the presence of the Bidders' representatives who choose to attend on June 27th 2010 at the following address:

**The Ministry of Public Education**
**Conference Hall, 2nd floor**
**5 Mustakillik sq.**
**Tashkent, Uzbekistan**

8. The Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan will not be responsible for any costs or expenses incurred by Bidders in connection with the preparation or delivery of Bids.

9. In the comparison of Bids, ADB's Domestic Preference Scheme will be applied in accordance with the provisions stipulated in the Instructions to Bidders.

**The Ministry of Public Education**
**of the Republic of Uzbekistan**

**A.Akramov, Project Manager**
**1st Floor, Room 108**
**5 Mustakillik sq.**
**Tashkent, 100159**
**Republic of Uzbekistan**
**Telephone: (998-71) 239-4802,**
**Fax: (998-71) 239-48-03**
**E-mail: ictbep@uzpak.uz**

Ertak ruhni poklaydi, aqlni o'stiradi, yaxshi-yomonni farqlashni o'rgatadi. To'g'rirog'i, aynan u rang-barang hayotga qadam qo'yishda maqbul yo'lni ko'rsatuvchi eng yaxshi yo'lboshchidir.



## «Ma'rifat» Mahorat Maktabi

# «Ўйин»ми ёки эртак?

*Яқинда дугонам билан интернет кафеда 5-6 ёшлар чамаси бир болакайни учратдик. У ёқимтойлиги ва бурро тили билан эътиборимни ўзига тортди. Болакай компьютерчидан ижозат сўради ва ўтириб қайсидир ўйинни ўйнашга киришди. Сал ўтмай «роботлар жанги»га шунчалар берилиб кетдики, ҳатто ёнига бориб ўтирганимни ҳам сезмай қолди. У "рақиб"ларини "қирар" экан, юзига табассум югурар, сўнг яна бирдан жиддийлашиб ўйинда давом этарди.*

*Унинг диққатини бўлишга жазм этдим.*

*— Нима қилаяпсан?*

*— Кўрмаяпсизми, ўйнаяпман-ку!*

*— Ютаяпсанми?*

*— Ҳа! – Энди унинг кайфияти кўтарилди ва менга жилмайиб қўйди.*

*— Исминг нима, болакай?*

*— ...*

*— У саволимни эшитмади ё эшитса-да, жавоб беришни истамади. Натижада мен ҳам ўйинга аралаша бошладим. Чунки у билан суҳбатлашгим келаётганди. Ўн минутлар ўйнадик. Мен уни "қўллаб" турдим. У эса "душман"ни битта қолдирмай қириб ташлади.*

*Кейинги босқичга ўтишдан олдин уни бироз чалғитмоқчи бўлдим.*

*— Исмингни айтақолсанг-чи?*

*— Хуршид...*

*— Ёшинг нечада?*

*У олтита бармоғини кўрсатди. Аммо шундай вазиятда ҳам ўзининг катталарга хос «жиддий»лигини сақлашга уринарди.*

*— Мактабга боряпсанми?*

*— Бу йил бораман.*

*— Борсанг, неча баҳога ўқимоқчисан?*

*— Беш..!*

*—Агар сен бешга ўқимоқчи бўлсанг, бунақа ўйинларни ўйнамаслигинг керак...*

*Унга насиҳат қилаётганим ёқмаётганди. Лекин мен унга дилимдагини айтиб олишни хоҳлардим.*

*— Эртак эшитганмисан?*

*— ...*

*— Ойинг сенга ҳеч эртак айтиб берганми?*

*— Ҳа...*

*— Қандай эртакларни биласан?*

*— ...*

*— Машинанг бўлишини хоҳлайсанми?*

*— Ҳа, менинг ўзимнинг машинам бўлади.*

*— Унда яхши ўқигин, болакай, бироқ бундай ўйинларни камроқ ўйна, хўп!*

*Хуллас, мен унинг кўнглига яқин қилиб гапира олмадим. У берилиб кетган ўйинидан заррача ҳам узоқлашишни истамас, гапларим унга асло таъсир қилмаётганди, назаримда.*

*Компьютерларни назорат қилиб юрган йигит келиб унга яна бир ўйинни ўргатди ва ёнида ўтирган тенгдоши билан ўйнашни таклиф қилди. Болакай дарров рози бўлди ва бундан қувонганлигини шўх кулгуси орқали намойиш этди.*

*— Иккалангиз ўртоқ бўлинг, пичоқ... пистолет... автомат... қулайини олиб... Қаранглар "икки", кейин "Энтер"ни бирга босасиз, тушунарлими? Давай! — Компьютерчи йигит уларга қўшилиб завқланарди.*

*— Йўқ, биз Хуршид билан дўстлашиб олдик. Унга бошқа ўртоқ керак эмас, тўғрими, Хуршид? — менинг уларга халал бергим келди.*

*Хуршид менга қараб қўйди-ю, индамади. Улар ўйнашда давом этишди. Яна минглаб "қирғин"лар қилишди. Ўзларининг қаҳрамонликларидан хурсанд бўлишар, ўзаро жангда ғолиб келишга уринишарди. Менинг борлигимни унутиб ҳам қўйишди...*

*Ҳа, кўп гапиришнинг кераги йўқ. Ҳаммамизга кундек равшан. Болалигимизда жондан ортиқ кўриб ўқиган эртакларимиз ҳозирги замон болаларига алмисоқдан қолган гапдир. "Уч оға-ини ботирлар", "Зумрад ва Қиммат", "Сусамбил", "Эгри ва тўғри", "Нўхатвой", "Муқбил Тошотар", хуллас, санаб саноғига етолмайдиган, бир вақтлар севимли бўлган эртакларни ҳозир сўранг-чи, қайси бола қувониб айтиб бераркин? Бунга ким айбдор?*

*Эртак руҳни поклайди, ақлни ўстиради, яхши-ёмонни фарқлашни ўргатади. Тўғрироғи, айнан у ранг-баранг ҳаётга қадам қўйишда мақбул йўлни кўрсатувчи энг яхши йўлбошчидир. Ҳаркалай, ота-оналар ўзларининг «қимматли» вақтларини экран қаршисида ёки қўшни билан бўлар-бўлмас гурунгга эмас, болаларига эртак айтишга сарфлашса, ёмон бўлмасди.*

**Зилола ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

# Бозор озор макони эмас

Бир куни қишлоқдан аммам меҳмон бўлиб келди. Ойим меҳмон билан тез сўрашди-ю, кичик синглимни четга чақириб, қўлига пул тутқазди ва гўшт олиб келгани бозорга жўнатди. Синглим келганида эса ойим қўлидаги пакетни олар экан, ҳайрат билан бизга қаради.

— Гўзал, неча кило олиб келдинг, қизим?

— Айтганингиздек, 3 кило, ойи.

— Ҳа, бунинг зўрға 2 кило чиқадику, — дея уришиб берди.

— Мен қаердан билай? Пулни биринчи бердим. Сотувчи олдин пулни санаб олиб, кейин гўшт берди, — бошини қуйи солганча кўзи ёшланди синглимнинг. Ойимнинг жаҳли чиқса-да, «қўявер қизим, йиғлама, ёш бола деганда сени, одам бўлмай кетсин шу қассоблар», деганча овқатга уннади. Бунинг устига гўштнинг ярмидан кўпи суяк эди.

Кундалик ҳаётимизда кун-кунора бозорга ишимиз тушади. Рўзғор деганларининг ғори ҳеч ҳам тўлмайди, ахир. Бир кун униси тугаса, бир куни бунисининг таги кўриниб туради. Тирик жон борки, бола-чақа, рўзғор деб елиб-югуради. Лекин бозордаги савдогарлар кунлик режадан қанча фойда қилар экан, деган савол яқиндан бери мени қизиқтира бошлади. Аслида-ку, бозорнинг бугунги кундаги аҳволидан кўпчиликнинг хабари бор. Айтмоқчи бўлганим, баъзи савдогарларнинг «айёрона» савдо-сотиқ қилиши барчага маълум. Ушбу масала диққатимни тортишига эса қуйидаги воқеа яна бир сабаб бўлди.

Бир талаба танишим куюниб айтиб қолди.

«Ўтган ёзда қизлар билан бозорга тушдик, раста оралаб кетаётган эдик, сотувчи йигит:

— Келинглар, қизлар, картошка олиб кетинглар, нархини тушириб бераман, ўзим ҳам талабаман, — деб қолди.

Қарасак, ростдан ҳам яхши картошка экан, ола қолдик. Сотувчи йигит тарозининг устидаги тоғорани олди-ю, пастга энгашиб ҳеч бўла қолмади. Ва ниҳоят турди-да, целофан халтага картошкани солиб берди. Уйга келиб кўрсак, устига катта-катта картошкани териб, остига майдаларини қўйиб берибди. Аввалига дугонам билан қайтиб бориб, жанжал қилмоқчи бўлдик. Кейин «майли, бировнинг ҳақи насиб қилармиди», деб қўя қолдик.

Куни кеча яна бозорга бориб, ўша растада бир аёл ўтирганини кўрдик. Кўярда-қўймай «олинглар, олинглар», деб тарозида картошка тортди. Энди пастга энгашган эди ҳам:

— Нима қиляпсиз, опа? Уялмайсизми, ҳалол пулга оляпмизми, бир кило бўлса-да, сиз ҳам ҳалоллаб сотинг, — деб ўгирилиб кетдим. Сотувчи аёлнинг юзлари лов-лов ёниб, уятдан ерга кириб кетгудек бўлди.

Ҳақиқатан ҳам ким билан гаплашсангиз, бозор сотувчиларининг тарозидан уриб қолаётгани ҳақида нолиши асабларни таранглаштиради. Тўғри-да, қўлимиздаги пул йўлдан эмас, пешона тери билан меҳнат қилиб топилади.

Кўп одамлар «бугун фақат ҳалоллик билан яшаб бўлмайди», дейишни одат қилиб олганлар. Аммо қинғирлик билан топилган даромадда барака бўлармиди, у буюрармиди? Ахир, дунёда моддий бойликдан-да устун, улуғ тушунчалар бор эмасми?! Фикримча, инсон виждони, иймони биринчи ўринда туриши зарур. Наҳотки, пул, бойлик деб тирикчилик баҳона одамлар ўзганинг ҳақини ейшдан қўрқмаса?

Аслида мен тадбиркорлик билан шуғулланаётганларни қоралаш ниятидан йироқман. Фақат ота-боболаримиз асрлар давомида амал қилиб келган қиммат: ҳалоллик бор жойда барака бўлади, демоқчиман, холос.

**Ирода НАМОЗБОЕВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

# У билан бахтиёр эдим

"У" менинг дунёдаги энг яқин инсоним, агар шундай деб атамоқ жоиз бўлса, энг қадрдон дўстим, сирдошим эди. Мен "У"ни ҳар куни кўрардим, "У" билан суҳбатлашардим, дардлашардим. "У" билан бирга бўлсам, гўё дунёнинг барча ёмонликлари мендан узоқлашгандек, ҳатто йўқ бўлиб қолгандек туюларди. "У" билан жуда бахтиёр эдим...

Мана ... йиллдирки, унинг борлигини, ёнимдалигини ҳис этмай қўйдим. Шу йиллар давомида уни жуда кўп кўргим, "У" билан яна дардлашгим, ўша беғубор кунларга қайтгим келди. Аммо...

Кеча мен "У"ни кўчада кўриб қолдим, ҳа, ҳа, қишнинг совуқ, изғиринли кунларидан бирида "У"ни учратдим. "У" бир талай болалар билан ўйнаб юрган экан.

"У"ни кузатдим, узоқ кузатдим... изидан бордим, қанча югурмай унга ета олмадим, "У" кўздан ғойиб бўлгач, кўча ҳам қалбим каби яна ҳувиллаб қолди. Бу кўчада ўзимни бегонадек ҳис этдим. Уйга келдим, яна "У" ҳақда ўйлай бошладим... Англадимки, "У" мендан кетгани учун ҳам ҳаётим остин-устин бўлиб кетган экан.

Ишонасизми, "У"нинг борлигида ғам, ташвиш, муаммо, қайғу нелигини умуман билмасдим. Энди-чи? Энди эса "У" кетди... "У" кетиши билан муаммолар, бир-бирини такрорламас ташвишли хаёллар юрагимга соя солишга интилди, энди ҳатто энг қувончли кунимда ҳам юрагимнинг бир чети хира тортиб туради, чунки "У" ҳеч қачон қайтиб келмайди. Буни биламан. Фақат тан олгим келмайди холос...

Тенгдошларимга қарайман, "Сен дунёдаги энг қўрқоқ инсонсан, мана шунча одамлар "У"сиз яшаяпти, ҳаётга кўникаяпти-ку?" дейман ўз-ўзимга.

Ҳа, эҳ болалик, болалик!

Сендан ўзи қачон айрилгандим?

Сен ўзи мендан қачон буткул кетган эдинг?

Сенга жуда ўрганиб қолган эканман.

Сени жуда-жуда соғиндим, ҳозир ҳам соғинаяпман, биламан, сени 80 ёшимда ҳам соғинаман.

Майли, дейман, кўникаман...

Чунки болаликнинг баҳори, ёзи, кузи йўқ, болаликнинг эгаси йўқ...

**Севара МУСАЕВА**

# Саёҳатда сайқалланган хаёллар...

Мана эрта тонгдан саёҳатга отланган талабалар автобус томон ошиқмоқда. ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети қошида очилган "Олтин давр илҳомлари" деб номланган ижодкор гуруҳ аъзолари қадим ва навқирон Самарқандга йўл олиш ҳаракатида. Автобус талабалар билан тўлди. Уларнинг қувончлари юзларида ифодаланиб турарди.

Гўзал кўчалар бўйлаб бормоқдамиз. Гид опамиз Самарқанднинг қадимий тарихи ҳақида сўзлаб борар эди. Автобус ойнасидан кўзга ташланаётган алп тоғлар, жаннатмонанд гўшалар, ариқлардан оқаётган сувлар кишига ўзгача завқ бағишлайди. Тарихчимиз жонажон Жиззахга етиб келганимизни айтиб ўтди. Ўйин-кулгу билан бўлиб Самарқандга етганимизни ҳам билмай қолдик.

Ал-Бухорий мажмуасидамиз. Мустақиллигимиз шарофати билан бу қадамжо таъмирланиб, обод этилди. Саёҳатчилар маскани бўлган бу гўша ободлиги билан инсон диққатини тортса, 160та чироқни ўзида жамлаган қандил ҳайратингизни оширади. Ҳадис илмида ҳеч бир олим Бухорий каби салмоқли иш қила олмаган. Бу ҳар бир ватандошимизни ҳақли равишда фахрлантиради. Ушбу табаррук қадамжодан сўнг Гўри Амир зиёратгоҳига етиб келдик. Ҳашаматли гумбазларга олтин суви югуртирилган Амир Темурнинг мақбараси хорижликларнинг ҳайратини ошираётганини кўриб қувонмаган талаба қолмади ҳисоб. «Ахир, биз мана шундай улуғ зотларнинг авлодларимиз», деган улуғвор туйғу зоҳир эди дўстларимнинг бу қувончида.

У ердан ўтиб, машҳур Регистон майдони томон юрдик. «Шарқ тароналари» бўлиб ўтган саҳнада туриб эсдалик учун суратга тушдик. Анчадан бери Самарқандга саёҳатга келмаган талабалар Регистоннинг ўзгариб кетганлигини эътироф этишди. Роса айланиб, эсдалик учун ёр-биродарларга совғалар олиб, сайёҳларни гапга тутдик. Тарихчи деворлардаги суратларга таъриф берди. Ундаги шер, кийик ҳамда қуёш сурати нимани билдиришини изоҳлаб ўтди. Биз эса ўз навбатида Америкаю Хитойдан, Корея, Англиядан, қўйингки, дунёнинг турли бурчагидан келган сайёҳларга кўпроқ маълумот беришга ҳаракат қилдик.

Нон шаҳри — Тошкент томон йўлга тушдик. Талабалар катта таассурот олишди. Хурсандчиликдан навбат яна шўх қўшиқларга берилди. Энди ўқитувчиларимизни ҳам рақсга тортдик. Ўйнаб-ўйнаб уйга ҳам етиб келдик. Бу саёҳатдан бир олам унутилмас хотиралар қоладиган бўлди. Бу "Олтин давр илҳомлари" клубининг илк саёҳати эди.

Сизга ҳикоя қилганим «Баркамол авлод йили»нинг ёшларга қилаётган кўплаб туҳфаларидан бир шингили, холос. Шундай экан, биз ёшлар бундай имкониятлардан фойдаланишимиз, элу юртимиз ишончига муносиб инсонлар бўлишимиз лозим.

**Шаҳрибону ИМОМОВА,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

*Xorijda ta'lim*



**Ҳар бир мамлакат таълим тизимига кенг эътибор беради. Зотан, юрт истиқболи бевосита халқнинг интеллектуал салоҳияти ва касбий маҳоратига боғлиқ. Европанинг ривожланган давлатларидан бири — Испанияда ҳам таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилади.**

**Неча ўн йиллардан буён мустақил ҳолда фаолият юритган испан таълим тизими жорий асрга келиб, Европа меъёрларига мослаштирилмоқда. Айнан шу мақсадда 1996—2000 йилларда Испания таълим соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар ўтказилди. Изчиллик билан ишлаб чиқилган янги тизим кучга киритилди. Мазкур ўзгаришлар асосан бошланғич ва ўрта мактаблардаги ўқитиш тизимига қаратилганди.**



# ПИРЕНЕЙ "ЖАВОҲИР"И

## МАКТАБДА ЯНГИ ТИЗИМ

Испанияда олти ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун саккиз йиллик мажбурий таълим жорий этилган. Маълум бўлишича, испаниялик таълим мутасаддилари фарзандларини ўз вақтида мактабга бермаган ота-оналарни ҳатто жиноий жавобгарликка тортиши ҳам мумкин экан.

Шунингдек, Испанияда 1) тўрт йиллик бошланғич мактаб (Primaria), 2) етти йиллик ўрта мактаб (Secundaria) бор. Чуқурлаштирилган ва таълим бериш сифати юқори бўлган ҳунар-техника ва тижорат мактабларининг фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

"Пиреней жавоҳири" бўлган мамлакатда бошланғич мактабда дарс беришни истаган устоз-мураббийлар уч йиллик педагогик билим юртини тугаллаган бўлиши зарур. Бошланғич мактабга нисбатан бир қадар жиддий ва масъулияти оғир бўлган ўрта мактаблар ўқитувчиларига эса, албатта, университет дипломига эга бўлиш талаби қўйилади.

Испанияда ҳам таълим бериш (умумий ўрта таълим (мактаб) ҳамда ўқувчиларни касбга йўналтириш босқичи(-коллеж) бепул.

Тўғри, ушбу давлатда аксарият бадавлат ота-оналар "кўҳна қитъа" ҳамда АҚШда "урф" бўлгани сингари ўз фарзандларини давлат мактабларига эмас, қизиқиши ва лаёқатига қараб фанларни танлаш имконини берувчи хусусий (пуллик) мактабларга беради. Аммо юқорида қайд этганимиздек, Испанияда мавжуд мактабларнинг (ҳатто айрим хусусий мактаблар ҳам) кўпчилиги ҳукумат томонидан молиялаштирилади. Шуning учун "матадорлар ўлкаси"да таълим олиш у қадар қиммат эмас.

Давлатга қарашли мактабларни тамомлаган испаниялик абитуриентлар олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириш учун ўз соҳалари бўйича кўпинча икки ойлик курсларга қатнайди. Ва у ердаги сўнгги синовдан ишончли ўта олса, университетларга қўрқмай ҳужжатини топшириши мумкин.

Дарвоқе, Испанияда хориждан келган болалар (ўқувчилар) фақат хусусий (пуллик) мактабларда ўқишлари мумкин.

## БОЛОНЬЯ КЕЛИШУВИГА БИНОАН

Испания коллежларида қоида бўйича, гуманитар фанлар ва ижтимоий билимлар бўйича университетга кириш учун тайёрлов имконияти катта. Икки курсдан иборат ушбу жараённи ички таълим тизимида шартли равишда ўрта махсус таълимнинг "бакалаврлик босқичи" деб юритиш мумкин.

Хабарингиз бор, ҳозир Европанинг кўплаб давлатларида Болонья келишувига асосланган (олий таълим тизимида) янги таълим технологияси йўлга қўйилган. Унга кўра, 2010 йилдан бошлаб Европада ягона системага асосланган умумий олий таълим олиш ҳудудини яратиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Ўша пайтда бу ўзига хос оламшумул воқеа сифатида эътироф этилганди-да.

Келишувда иштирок этган мамлакатлар вакиллари қитъа миқёсида ягона, яхлит таълим тизими бўйича иш олиб боришни назарда тутади. Шунга кўра, Европа Иттифоқига аъзо барча мамлакатлардаги талабалар учун ўз йўналиш ва мутахассисликларига кўра устувор ўқув дастури ишлаб чиқилди. Мазкур келишувдан кўзланган асосий мақсад — Европа олий таълимининг халқаро майдондаги юксак ўрнини мустаҳкамлаш ва унга бўлган қизиқишни оширишдан иборат.

Шу сабабли Испания ҳам Болонья келишувига биринчилар қатори қўшилди ва айни пайтда 40га яқин мамлакат қаторида ушбу янгиликнинг маҳаллий шароит (ички ҳудуд) ҳамда Европада чуқурроқ жорий этилишига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Испаниядаги яна бир — «Licenciado 2 ciclo» олий таълим дастури бор. Бу икки йиллик дастур асосан олий маълумотли фуқаролар учун мўлжалланган. Яъни, бакалавр босқичи дипломига эга бўлган ёки фундаментал европача таълимни қисқа фурсатда (2—3 йилда) эгаллашни хоҳловчилар бу дастур доирасида таҳсил олиши мумкин.

Якунда битирувчи талаба бутун қитъада ва дунёнинг кўплаб давлатларида қабул қилинувчи Испания университетини тугаллаганини тасдиқловчи диплом олади. 2009—2010 ўқув йилидан эса мамлакат университетларида ўқув дастурлари янги режа асосида ўтилмоқда.

## ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ — АМАЛИЁТДА

Испания олий таълим тизимидаги дастлабки босқич тўрт йиллик даврни қамраб олиб, шундан сўнг талабалар бакалавр (Grado) даражасини олади. Олий таълим тизимининг иккинчи даврида талаба магистр (Master) даражасига кўтарилади. Табиийки, магистратурага фақат Grado даражасига эга бўлгандан кейингина ҳужжат топширилади.

Учинчи давр — аспирантура ҳисобланади. Испания олий таълим тизимида тадқиқотчи илмий изланиши янгилигига қараб, ҳатто фан доктори даражасини ҳам олиши мумкин. Ўқиш даври бир йилга мўлжалланган бўлиб, бу вақт ичида диссертация ёзиш талаб этилади. Докторлик даражасини олишга талабгор тадқиқотчилар мавжуд қонунчиликда кўрсатилганидек магистратура босқичини ўтаган бўлиши керак. Испания олий таълимининг янги тизимига кўра, магистрлик ва докторлик дастурлари ўзаро узвий боғлиқ ва улар бир-бирини тўлдиради.

Таъкидлаш жоизки, дастурлар аниқ йўналиш бўйича турли мутахассисликларга йўналтирилган. Масалан, талаба ҳуқуқ йўналиши бўйича бакалаврлик дипломига эга мутахассис-магистрант бўлгач, аниқ амалий соҳанинг "этагидан" тутади: тадбиркорлик ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, халқаро ҳуқуқ ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Испания олий таълим тизимида ёшлар учун катта имкониятлар эшиги очилган. Хусусан, мамлакатдаги мавжуд олий техника мактабларида ҳам уч йил билим олиб, сўнгра олий маълумотни тасдиқловчи ҳужжат соҳиби бўлиш мумкин. Университет қошидаги коллеж касб-ҳунарга йўналтирувчи билимлар бериш билан чекланмайди. Аксинча, бу ерда талабалар назарий билим берувчи умумий бошланғич курсни ўтаб, олий техника мактаби ёки университетларга кириш учун тайёргарлик кўришади. Айтмоқчимизки, Испанияда талабаларга касб-ҳунар университетларда ёки олий техника мактабларида ўргатилади.

Мамлакатда олий маълумот бериладиган бош илм муассасаси барибир университетлар ҳисобланади. Энг номдор ва кўзга кўринган олий ўқув юртлари орасида Барселона, Бильбао, Касерес, Кордоба, Гранада, Ла Лачуна, Мадрид, Малага, Мурсия, Палеплона, Овьедо, Саламанка, Сантандер университетларини алоҳида келтириш мумкин.

Испанияда давлат университетлари сони 2002 йилга қадар 35тани ташкил этган бўлса, оз фурсат ичида уларнинг миқдори 46тага етди. Хусусий университетлар эса 12тадир. Айни пайтда бу ерда бошқа қатор соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлайдиган махсус ўқув юртлари ҳам бор.

Умуман, Испанияда ҳозир ўзига хос илғор тажриба ва малакани уйғунлаштирган таълим жараёни амалда. Бу мамлакатдан ўз вақтида бутун дунёга машҳур Мигель де Сервантес, Федерико Гарсиа Лорка каби ижодкорлар, Сальвадор Дали, Рибера, Пабло Пикассо сингари рассомлар етишиб чиққани испан халқининг фахри бўлиши билан бирга изчил тараққий этиб бораётган таълим соҳасининг маҳсули ҳамдир. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир давлатнинг ҳар қандай соҳа ва йўналишларда халқаро миқёсда тан олиниши, олдинги жабҳаларни эгаллаши ҳамда жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиши, энг аввало, таълим жараёнининг ривожланганлик даражаси билан боғлиқ. Бунга испан таълими тажрибаси, эришилган ва эришилаётган ютуқлар мисолида ҳам гувоҳ бўлиш мумкин.

**Шаҳина ЖЎРАЕВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

**Саудия тараққиёт ва ОПЕК халқаро ривожланиш жамғармалари иштирокида амалга оширилаётган "Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш" лойиҳаси доирасида консультатив хизматлар кўрсатувчи ташкилот танлаб олиш бўйича**
**ЭЪЛОН**

Саудия тараққиёт ҳамда ОПЕК халқаро ривожланиш жамғармалари томонидан "Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш" лойиҳасини амалга ошириш ва молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига имтиёзли кредит ажратилган бўлиб, ушбу маблағнинг маълум бир қисмини консультатив хизматлар учун сарфлаш кўзда тутилган. Шу муносабат билан лойиҳани амалга ошириш гуруҳи барча консалтинг фирмаларини танловда иштирок этишга таклиф қилади.

Консультатив хизматлар мазкур лойиҳа доирасида қуриладиган 3та (ҳар бири 216 ўқувчи ўринга мўлжалланган) умумтаълим мактабларининг керакли бўлган барча режаларини (жойлашиш плани, бош режа, геология қидирув ишлари, боғлаш (привязка), инженерлик ва коммуникацион тизимларни лойиҳалаштириш ва бошқа) тайёрлаб бериш, мактабларнинг стандарт лойиҳаларини кўриб чиқиш, қурувчи ташкилотларни танлаб олиш бўйича тендер ҳужжат ва шартномаларни тайёрлаш, қурилиш-монтаж ишлари устидан муаллифлик ва техник назоратни олиб бориш ҳамда лойиҳанинг амалга оширилиши ва жойларда олиб борилаётган ишлар юзасидан ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботларни тайёрлаш учун керак бўлади.

Шунингдек, консультатив хизматларга лойиҳа доирасида барча ишлар тўлиқ якунланганидан сўнг 3 ой давомида якуний ҳисобот тайёрлаш ва ижрочи агентликка тақдим этиш киради.

Консультатив хизматлар Саудия тараққиёт жамғармасининг танлов шартлари асосида харид қилинади.

Консалтинг фирмалар лойиҳалаштириш, қурилиш-монтаж ишларини назорат қилиш ва мактабларни жиҳозлаш борасида етарли тажрибага эга бўлишлари шарт.

Танлов ҳужжатлари ҳамда қўшимча маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги қуйида келтирилган манзил бўйича жойлашган Лойиҳани амалга ошириш гуруҳидан олишингиз мумкин.

Танловда иштирок этиш бўйича мурожаатлар **2010 йил 21 июнь соат 16:00га** қадар муҳрланган конвертда қуйидаги манзилга **"Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини қуриш ва жиҳозлаш" лойиҳасининг танловида иштирок этиш учун мурожаатнома"** белгиси билан тақдим этилиши лозим.

Белгиланган муддатдан сўнг тақдим этилган мурожаатномалар қабул қилинмайди.

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги**
**Телефон: (998-71) 239-47-30. Факс: (998-71) 239-17-05. E-mail: uzb_020@yahoo.com.**
***Манзил: 100078, Тошкент ш., Мустақиллик майдони, 5-уй***

# БОЛАКАЙ ОМОН ҚОЛДИ



***Ливия пойтахти Триполи аэропортидан парвоз қилган самолёт ҳалокатга учради, деб хабар берди «Франс-Пресс» ахборот агентлиги. «А330-200» аэробусида 93 йўловчи ва 11 нафар экипаж аъзоси бўлган. Аввалига уларнинг барчаси ҳалок бўлганлиги маълум қилинганди. Лекин бахтли тасодиф туфайли самолётда бўлган 9 ёшли голландиялик бола омон қолгани аниқланди.***

Нохуш воқеадан сўнг бола жарроҳлик операциясини бошидан кечирди. Шифокорлар айни пайтда унинг ҳаёти хавфдан холи эканини таъкидлашмоқда. Бу орада болакайнинг шахсини аниқлаш ишларида бироз олдинга силжиш кузатилди. Маълумотларга қараганда, у Рубен ван Ассау бўлиб, Голландиянинг Тилбург шаҳрида истиқомат қилади. Бола ота-онаси ва 11 ёшли акаси билан оилавий саёҳатдан қайтаётган экан.

Йоханнесбургдан Лондондаги Хитроу аэропортига йўл олган лайнер режага кўра Триполида ёнилғисини тўлдириб парвозни давом эттириши лозим эди. Ливиянинг «Африкия Эйрвейс» авиакомпаниясига тегишли «А330-200» самолёти қўниш майдонига пастлаётганида қулай об-ҳаво шароити кузатилган. Аммо расмий маълумотларга кўра, ҳаво лайнери қўнишга бир неча дақиқа қолганида ерга қулаган.

Ҳалокатдан бир неча соат ўтгач, қутқарувчилар гуруҳи фожиа сабабларига ойдинлик киритувчи 2та қора қутини топди. Ливия транспорт вазири Муҳаммад Зидан суриштирув-кидирув ишлари бошланганини маълум қилди.

Ҳозирда аэробус бортида Голландия, Ливия, ЖАР, Германия, Буюк Британия, Ирландия, Франция, Финляндия, Филиппин ва Зимбабве фуқаролари бўлгани аниқланди.




# АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАНДИ



***Буюк Британияда Консерваторлар партияси раҳбари Дэвид Кэмерон мамлакатнинг янги Бош вазири этиб тайинланди. Бундан бир муддат олдин истеъфога чиқишини маълум қилган собиқ Бош вазир Гордон Браун эса коалиция тузиш борасида бир тўхтамга келинмагач, ўз ўрнини бўшатишни маъқул билди. Бу ҳақда «Скай Ньюс» хабар берди.***

Аввал маълум қилинганидек, яқинда консерваторлар ва бунгача мамлакатни бошқарган лейбористлар ўртасида кучли рақобат асосидаги парламент сайловлари ўтказилди. Аммо бу икки асосий даъвогарнинг ҳеч бири етарлича овоз (650та ўриндан камида 326тасини) олишга муваффақ бўлмади. Шундан сўнг мамлакатда бироз муддат тушунарсиз ҳолат юзага келганди. Вазиятга ойдинлик киритиш учун эса учинчи ўринда турган Либерал-демократлар партияси консерваторлар ёки лейбористларга қўшилган ҳолда коалиция тузиш зарур эди. Ва ниҳоят музокаралар якунида сайловда 57та мандат олган либерал-демократлар раҳбари Ник Клегг консерваторлар билан биргаликда фаолият юритишини маълум қилди.

Шундан сўнг у Бош вазир ўринбосари этиб тайинланди ва икки раҳбар ОАВ ходимлари билан матбуот анжуманида ҳукуматнинг келгусидаги асосий фаолият йўналишларини баён қилди.

Таъкидланишича, партиялар дастури бир-биридан фарқ қилса-да, умуммамлакат манфаати ва қизиқишлари доирасида иш олиб боришга келишилган.

# ҚАДИМИЙ СУРАТЛАР ҚЎМАГИ БИЛАН



***Археологлар Қуддусдаги қазилма ишлари пайтида салкам 600 йил давомида шаҳарни сув билан таъминлаб турган осма қувур тизимини аниқлади. «АП» берган маълумотларга кўра, бунда қадимий конструкция акс этган, XIX асрда олинган суратлар айниқса қўл келган. Боиси, айнан улар орқали археологик қурилма аниқ жойлашган ҳудудни белгилаш имкони туғилди.***

Аслида қадимий қувурларни топиш саъй-ҳаракатлари ҳозирда ишлаб турган шаҳарнинг сув билан таъминлаш тизимини таъмирлаш ишлари доирасида бошланганди. Олимларнинг изланишлари натижасида суратда тасвирланган 9та сув йўлидан 2тасини топишга муваффақ бўлинди. Уларнинг таъкидлашича, осма қувурлар 1320 йили қурилган бўлиб, Қуддусдан 22 километр жанубда жойлашган ҳавза суви билан шаҳарни таъминлаган.

Айтиш жоизки, бу бутун Усмонийлар империяси даври (1517—1918 йиллар) мобайнида шаҳарга сув етказган асосий тизим ҳисобланган. Тадқиқот раҳбари Иехиель Зелингернинг сўзларига қараганда, ўрта асрлар қурилмаси шу пайтгача жуда яхши сақланган.




# ФИКР КУЧИ НИМАГА ҚОДИР?

***Бельгиянинг Лувен университети олимлари мия сигналларини сўз ёки гапларга айлантирадиган, аниқроғи, фикран айтилган матнни қоғозга тушириш имконини берадиган қурилмани яратишди. Бу кичик ускуна электрэнцефалограф деб номланади, деб ёзади «Кэмпус Инсайт» нашри.***




— Техник янгиликнинг аҳамияти шундаки, эндиликда у орқали нутқида нуқсони бор инсонлар ҳам мулоқот қилиши мумкин бўлади, — дейди тадқиқотчи Марк ван Хюлле.

Ускуна жуда ихчам — гугурт қутисидан бироз каттароқ ҳажмда. У сузиш қалпоқчасига ўхшаш, электродлар маҳкамланган бош кийимга уланади. Асбоб ёрдамида қабул қилинган мия фаоллиги сигналлари USB-порт орқали компьютерга узатилади. Сўнг уларни махсус дастур ёрдамида ўқиш мумкин.

Бундай усул билан битта сўз ёзиш учун компьютер экранида акс этган ҳарфларнинг бирида диққатни жамлаш зарур. Жараёнда ҳар бир ҳарф маълум пайт мобайнида маълум тезликда акс этиб туради. Сўз тузиш учун керакли ҳарф намоён бўлганида эса мияда шу он фаоллик кузатилади. Шундан сўнг фикран бирор-бир матнни тушириш мумкин.

Марк Ван Хюлленинг таъкидлашича, тажриба пайтида ускуна ёрдамида бутун-бутун гаплар компьютерга қабул қилиниб, ўқилган. Олимлар янги техник қурилма ёрдамидаги «ёзув» тизимининг ишлаш тамойилини мия жароҳатлари туфайли нутқида нуқсон пайдо бўлган беморлар иштирокида синаган. Улар дақиқасига 10тага яқин ҳарфни фикран «ёзиш»нинг уддасидан чиқишган.

Бельгиялик тадқиқотчилар кўплаб инсонлар ҳаётини ижобий томонга ўзгартириши кутилаётган янги технологияни яқин икки йил ичида сотувга чиқаришни режалаштирмоқда.

# ОРБИТАДА МУАММО БОР(МИ?)

***«Гэлекси-15» телекоммуникацион йўлдошининг Ердаги кузатув хизмати Қуёшда юз берган бўронга дош беролмай назоратдан чиққанини «Спэйс Ньюс» нашри эълон қилди. Ҳозирда у орбитадаги бошқа йўлдошлар фаолиятига халал берган ҳолда сигналлар жўнатмоқда. Муаммонинг ечими эса топилганича йўқ.***

Ўтган ой бошларидаёқ «Интелсат» компаниясига қарашли ушбу йўлдош билан Ер назорат пунктлари ўртасидаги алоқа Қуёшдаги кучли исиш ҳолатидан сўнг тўхтаганди. Шу пайтдан буён уни бошқаришнинг имкони бўлмаяпти. Мутахассисларнинг таъкидлашича, навигация (ҳаракатланиш) тизими издан чиққанлигига қарамай, аппаратнинг телекоммуникация хизмати узуксиз фаолият кўрсатиб турибди.

Аппарат фаолиятини тўхтатиб қўйишнинг имкони бўлмаётгани сабаб у орбитада белгиланган жойдан бошқа ерга «кўчиб юрибди» ва тез орада бошқа аппаратларга ўта яқин масофага етиб бориши мумкин. Гарчи йўлдош ва бошқа самовий аппаратлар тўқнашуви кутилмаётган бўлса-да, унинг қисман ишлаб туриши хавф туғдиради. Чунки йўлдош жўнатган сигнал унга яқин жойлашган бошқа аппаратлар юбораётган бошқа «рақамли хабар»ларга аралашиб, чалкашликларни юзага келтириши мумкин.

Қолаверса, «Гэлекси-15»нинг қувват тизими фаол ишлаб тургани ҳам муаммо саналяпти. Агар энергия тугаса, аппарат автоматик тарзда ишлашдан тўхтарди. Лекин қувватнинг қачон тугаши номаълум.



Бунинг устига шу кунларда назоратдан чиқиб кетган йўлдошни тўхтатишга қаратилган сўнгги ҳаракат ҳам муваффақиятсиз кечди. Бунда муҳандислар уни ҳеч бўлмаганда вақтинча «ўчириб» қўймоқчи бўлишганди. Қизиғи, Ердаги кузатув пунктларидан йўлдошга шу пайтгача фаолиятни вақтинча ёки бутунлай тўхтатиш ҳақидаги 200 мингга яқин буйруқ берилганига қарамай, уларнинг биттаси ҳам бажарилмаган. Шу боис «Интелсат» гуруҳи ходимлари бошқа йўлдошли операторлар ва самовий аппаратларни ишлаб чиқарувчи компанияларга ёрдам сўраб мурожаат этган.

# ЭЛЕКТР ТОКИ ДЕПРЕССИЯГА ҚАРШИ

***Инсон миясининг маълум қисмига электр токи орқали таъсир кўрсатиб уни депрессия ҳолатидан халос этиш мумкин экан. Океан орти мутахассисларининг тадқиқотларига кўра бу усул ҳаттоки ҳозирда кучли деб эътироф этилган дори-дармонлардан ҳам фойдалироқ бўлиши мумкин. Олимларнинг янги кашфиёти баён этилган мақола «Ворлд Эраунд» журналида нашр қилинди.***



Мазкур йўналишдаги тадқиқот Жанубий Каролина Тиббиёт университети профессори Маркус Жорж раҳбарлигида амалга оширилган. Тажриба янги технология воситаси ёрдамида бош суякни магнетик қўзғатишга қаратилган. Эътиборлиси, жараёнда ҳеч қандай дорилар истеъмол қилинмаган.

Тадқиқотда 190 нафар кўнгилли, икки жамоага бўлинган ҳолда иштирок этган. Дастлабки босқичда 40 дақиқа мобайнида бир гуруҳ қатнашчилар миясининг маълум қисмига электр токи юборилган. Қолганларни эса мутахассислар худди шундай йўл билан даволанаётганига ишонтиришган. Бунда улар ташқи кўринишидан магнетик ускунага ўхшаш қурилмани ишлаб чиқишди ва тажриба пайтида ундан фойдаланилаётгандай кўрсатишди.

Уч ҳафтадан сўнг электр токини қабул қилганларнинг 14 фоизи мазкур ҳолатдан батамом халос бўлгани кузатилган. Иккинчи гуруҳ вакиллари ўртасида бу кўрсаткич атиги 5 фоизни ташкил этди. Шунингдек, биринчи гуруҳдагилар ўртасида ўзида ижобий ўзгариш сезаётганлар сони иккинчисига нисбатан 4 баробар кўп экани маълум бўлди. Ҳозирча даволаниш муддати қанча давом этиши зарур, деган саволга якуний жавоб топилганича йўқ. Профессор Жоржнинг айтишича, бу давр камида уч ҳафтани ташкил этиши лозим. Умуман, 6 ҳафта давомида бу усул билан даволаш энг мақбул йўлдир.

# ЯХШИЛИКНИНГ ҚАДРИ БЕБАҲО

***Инсон гўдаклигидан одоб-ахлоқ ва маънавиятга зид хатти-ҳаракатларни фарқлай олиш қобилиятига эга экан. Океан орти тадқиқотчилари ҳаттоки олти ойлик болалар ҳам яхшилик ва ёмонликни ажрата олишини кузатгач, мазкур хулосани тақдим этишган. Уларнинг мавзуга бағишланган мақоласи «Телеграф» нашрида чоп этилди.***

Йель университети қошидаги Болаларни ўрганиш маркази ходимлари ноанъанавий тажриба ўтказишган. Аниқроғи, улар турли ёшдаги болаларга эртак ёки мультфильм қаҳрамонларидан ўзига маъқулини танлашни таклиф этишган. Натижада аниқ бўлдики, кичкинтойлар аксарият ҳолларда ижобий образдаги персонажларни афзал кўрар экан.

Тадқиқот раҳбари, профессор Пол Блумнинг таъкидлашича, бу ҳолат инсон кичик ёшдан, яъни гўдаклигиданоқ яхши, ёмонни фарқлай олиш қобилиятига эгалигининг яққол далилидир.

Мазкур йўналишдаги яна бир тажриба энг кичиги олти ойлик ва энг каттаси бир ёшгача бўлган болалар ўртасида ўтказилди. Жараёнда уларга тепаликка кўтарилмоқчи бўлган қизил шар қиёфасидаги қаҳрамон ҳақидаги мультфильм намойиш этилган. Унда, шунингдек, квадрат шаклидаги ижобий ва учбурчак кўринишидаги салбий қаҳрамонлар ҳам тасвирланган. Эътиборлиси, ушбу тадқиқотда ҳам ижобий персонаж — квадрат болалар томонидан энг яхши қаҳрамон сифатида кўрсатилган.

**Н.РУСТАМБЕКОВА** тайёрлади.

**Республика хотин-қизлар педагогика билим юрти (ҳозирги 1-Тошкент педагогика коллежи) томонидан 1972 йили Хошимова Халима Асимовна номига берилган 3782-сон билан рўйхатга олинган Ч № 649029 рақамли диплом йўқолганлиги боис БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

# МУАЛЛИМА



Озода опа педагоглар оиласида вояга етди. Ақлини таниб кўргани — ота-онасининг тун ярмигача гоҳ мутолаа, гоҳ дафтар текшириш, кўргазма қуроллари тайёрлаш билан бандлиги эди. «Демак, ўқитувчи бўлиш учун ана шундай меҳнат қилиш керак!» деган тушунча билан у касб танлаш хусусидаги орзуларини қатъий мақсадга айлантирди. Ота-онасини турли масалаларда маслаҳат сўраш учун йўқлаб келадиган маҳалладошларига эшик очар экан, «Муаллим ҳаммадан ақлли бўлиши, ким билан кенгашмасин муаммонинг ечимини топгувчи фикр айта билмоғи лозим экан...», дея ўзини ўзи имтиҳон қила бошларди. «Бунинг учун эса кўп ўқиш, уқиш шарт!». Бу талаб унинг ҳаётий шиорига айланди.

Озода Қодирова Бухоро давлат университетини тугатиб, Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 12-мактабда иш бошлаган кезлариёқ мукаммал билим, қобилиятга эга муаллим сифатида танилди. У катта иштиёқ билан ўқувчиларга инглиз тилидан дарс бера бошлади.

2004—2009 йилларда янги таҳрирдаги Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини тажриба-синовдан ўтказиш ишларида, Республика таълим маркази томонидан ташкил этилган «Тажриба-синов! Муаммолар ва ечимлар» мавзусидаги педагогик ўқишларда маърузалари билан иштирок этди. Бугунги кунда унинг «Рангли қўш ҳалқа» деб номланган иш услуби вилоят миқёсида оммалаштирилган бўлиб, ундан нафақат инглиз тили, балки бошқа фан ўқитувчилари ҳам ижодий фойдаланиб келмоқда.

О.Қодирова ўз тажрибаларини ўртоқлашиш мақсадида «Ёш педагоглар клуби»ни ташкил этиб, «Ёш педагог» деворий газетасини мунтазам чиқариб келмоқда. Унинг бу уринишлари натижасида кўплаб шогирдлари вилоят, республика миқёсидаги танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Сеғайрат муаллима изланишлардан, янгиликлар яратишдан толмайди. Бошқаларга нафи тегишидан ҳаловат топади. Шу боис ҳам Халқ таълими вазирлигининг «ZiyoNet» порталида ўз сайтини яратиб, унга ахборот-ресурс марказини бойитиш мақсадида дарс ишланмалари, тест топшириқлари, услубий материалларини киритмоқда.

Муаллим маънавият тарғиботчиси ҳамдир. Озода опа ўзи яшаётган “Ванғози” қишлоқ фуқаролар йиғинининг фаоллари қатори қишлоқнинг ободончилиги, хонадонлардаги осойишталик учун жон куйдириб келмоқда. Қишлоқнинг «Энг намунали қишлоқ» кўрик-танловининг республика босқичида фаол иштирок этишида ҳам унинг хизмати бор. «Хорижий тил дарсларида ўқувчиларга маънавий хислатларни сингдириш», «Хорижий тил сабоқлари орқали ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш» сингари методик қўлланмаларни чоп эттирган муаллима, қишлоғи тарихи, ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи «Ванғозининг кеча ва бугуни» рисоласини инглиз тилида нашр этишга ҳам муваффақ бўлди.

— Ўқитувчининг зиммасига ибрат бўлиш, маданият, маърифат, маънавият тарғиботчиси, кўзгуси бўлишдек масъулият ҳам юкланади, — дейди муаллима. — Мен бунга бир умр ўқитувчилик қилган ота-онамнинг тимсолида кўп бора кўриб, амин бўлганман. Шогирдларимга буни бот-бот уқтириб тураман. Аслида ўқитувчиликнинг шарафи, бахти ҳам шунда.

**Ойбуви ОЧИЛОВА**

*Ta’lim fidoyilari*

# ДАРСХОНА МАСЪУЛИЯТИ

Булунғурликлар табиатан содда, бағрикенг бўлишади. Устоз Мамараҳим Исроилов ҳам шу юрт фарзанди.

Тумандаги Болғали қишлоғида кечган болалигиданоқ ҳаётга, табиатга меҳр кўзи билан боқиб, унинг сирларини ўрганишга қизиқарди. Ана шу қобилияти унинг мактабни битиргач, Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) физика-математика факультетига ўқишга киришига туртки бўлди. Университетни битиргач, қадрдон мактабида физика фанидан дарс берди. Сўнг Тошкентга қайтиб, 1976 йили Ўрта Осиё геология ва минерал хомашёлар институтида кичик илмий ходим сифатида “Тоғ жинсларининг ишқаланиши ва износи” мавзусида илмий изланишлар олиб борди.

1977 йилдан Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Янгиер филиалида лаборатория мудири, физика кафедраси ассистенти ва катта ўқитувчи лавозимларида ишлади, шунинг баробарида турли мавзуларда илмий-услубий ишлар билан шуғулланди, атроф-муҳитни ифлослантирувчи микроэлементларни физика йўли билан таҳлил қилувчи усулларни ўйлаб топди. 1985—89 йиллар Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Ядро физикаси институти қошидаги аспирантурада сиртдан таҳсил олиб, «Зомин қўриқхонаси ҳудудини ифлослантираётган микроэлементлар миқдорини аниқлашнинг ядро-физикавий усуллари» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади.

Кейин Ғафур Ғулом номидаги СДПИ (ҳозирги ГулДУ) қошидаги мактаб-интернатда ўқув ишлари бўйича директор муовини, физика фани ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1999 йилдан буён эса шу академик лицейда раҳбарлик қилмоқда. Ушбу лицей биринчилар қатори республикада яхши маънода танилишида М.Исроиловнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Устоз раҳбарлик лавозимида ишласа-да, ҳеч қачон педагогик фаолиятини канда қилган эмас. У дарсхонасига ҳамиша соғиниб киради. Ҳозир ҳам чуқурлаштирилган физика фанидан дарс бериб келмоқда.

Академик лицейда «Кичик академия» ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатиши бевосита М.Исроиловнинг хизматлари билан боғлиқ. Мазкур академиянинг тингловчилари: ЎзМУ математика факультети 1-босқич магистри Отабек Ҳакимов, университет физика факультети 3-курс талабаси Муножат Ашурбоева, ТДЮИ 4-курс талабаси, Президент стипендианти Олим Файзиев, ГулДУ физика-математика факультети 3-курс талабаси Муҳиддин Мирҳайдаров кичик академиянинг илк қалдирғочларидир.

Устознинг физика ўқитиш илми ва амалиёти ривожига қўшган хизмати катта. Жумладан, унинг илмий-педагогик фаолияти давомида «Физика. Лаборатория ишлари», «Иссиқлик техникаси асослари» каби 70дан ортиқ илмий-услубий мақолалари, услубий ишланма ва тавсияномалари, ўқув қўлланма, дарсликлари чоп этилган.

Жонкуяр устоз турмуш ўртоғи Бувробия опа билан 4 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган. М.Исроилов камтарин, тўғрисўзлиги, фидойи, меҳрибонлиги туфайли жамоа ҳурматига сазовордир.

**Хўжамурод МИРҲАЙДАРОВ,**
**Маматқул МАЛЛАХОНОВ,**
**Акромжон САЛОҲИДДИНОВ**

# ЁШЛАР ДАВРАСИДАГИ МУРАББИЙ



Инсон борки, комиллик йўлини излайди. Бу чиндан-да оғир, кишидан сабр-бардошни талаб қиладиган машаққатли йўлдир. Унинг сўнгига мустаҳкам ирода, мукаммал илм орқали эришилади. Ана шундай сабрли, илму маърифатли инсонлардан бири, заҳматкаш олим, меҳрибон ва ғамхўр муаллим Неъмат Норқуловдир. Ўзининг кўп йиллик самарали педагогик фаолиятини таълимга бахшида этган бу инсон ҳаётини ўрганиш баробарида айнан шу ҳикматни англадик.

1950 йил 15 майда Қашқадарё вилоятининг Бешкент тумани, Човқай қишлоғида таваллуд топган Н.Норқулов илк мактаб таълимидан сўнг 1968 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)ни физикавий электроника ихтисослиги бўйича имтиёзли диплом билан битириб, меҳнат фаолиятини мазкур университетда катта лаборант, илмий ходим, ассистент, катта ўқитувчи, доцент ва кафедра мудири лавозимларида ишлаш билан давом эттирди.

1996—2009 йиллар давомида “Физикавий электроника” кафедраси мудири сифатида юқори малакали физика фани мутахассислари тайёрлаш ишига салмоқли ҳисса қўшди.

Н.Норқулов муаллифлигида “Физикавий электроника” мутахассислиги бўйича 4та ўқув қўлланма ва соҳага оид русча-ўзбекча луғат чоп этилгани алоҳида диққатга сазовордир. Шунингдек, унинг 150дан ортиқ илмий, илмий-услубий мақолалари республика ва хорижий илмий журналларда чоп этилган.

Н.Норқулов ўзининг кўп йиллик ҳаёт тажрибаси асосида талабалар тураржойларида, маънавият-маърифат масканларида доимий суҳбатлар ўтказиб туради. Бу ёшларга ибрат, ўгит, таълим-тарбия бўлиб хизмат қилаётир. Олимнинг илмий-педагогик фаолияти, ёш авлод қалбига илму маърифат зиёсини сочишдек машаққатли меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Унга 2008 йили “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони берилди.

Ёшларнинг жонкуяр мураббийси Неъмат Норқулов қутлуғ ёшда бўлса-да, ҳамон серғайрат, илмга чанқоқ ёшлар даврасида.

**Узоқбой БЕГИМҚУЛОВ,**
**Эшқувват АРЗИҚУЛОВ**

# ФИДОЙИЛИККА ЙЎҒРИЛГАН УМР

*Xotira — muqaddas*



Умр оқар дарё. Бу ўхшатиш, балки инсон умрининг тез ўтишига берилган нисбатдир. Аммо, уни инсон умри давомида дарё каби ободликка, бунёдкорлика ҳисса қўшиб кетишига менгзагим келади. Академик Тошпўлат Ширинқуловнинг умри ана шундай дарё каби ўтди. Қанча дилларга ҳаёт бахш этди. Қанчадан-қанча дилларга маърифат зиёсини улашди.

Ёшлиги Қўшработдаги Ғўжимсойнинг Тегирмон овулида ўтган Тошпўлат Ширинқулов олий маълумотни Самарқанд давлат университетининг механика-математика факультетида олгач, ЎзФА механика ва иншоотлар зилзила бардошлилиги институтида катта лаборант, кичик ва катта илмий ходим лавозимларида ишлаб, илмий тадқиқот олиб борди. 1965 йили номзодлик, 1970 йили докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Чуқур билим ва фидойиликка йўғрилган саъй-ҳаракатлари натижасида кўп ўтмай профессор, кейинчалик ЎзФА мухбир аъзоси, Халқаро инженерлик академияси мухбир аъзоси, ЎзФА ҳақиқий аъзоси – академик бўлди.

Албатта, бу даражалар олимликнинг расмий даражаси. Аммо, илм зинапояларини босиб ўтгунча чекилган машаққат, фанни амалиётга татбиқ этишнинг залворли юки олимлик рутбасини белгилайди. Бу йўлда нафақат илмли бўлиш, балки ташкилотчилик ҳам зарур. Тошпўлат Ширинқуловнинг ҳаёт йўлига назар ташласак, бунга яна бир бор амин бўламиз. 1973—75 йилларда Тошкент политехника институтида кафедра мудири, қурилиш факультети декани, 1975 йилдан 1986 йилгача Самарқанд давлат меъморчилик қурилиш институти ректори, 1993— 2001 йиллар ЎзФА Самарқанд бўлими раиси лавозимларида фаолият юритди. Устоз раҳбарлигида институт моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Кадрлар тайёрлаш сифати ошди. Айниқса, ЎзФА Самарқанд бўлими раиси бўлган даврда бу ерни ҳақиқий илм масканига айлантиришга ҳаракат қилди. Мазкур даргоҳда аспирантура, докторантура йўналишлари очилди. Бугун кўпчилик зиёлилар эътироф этганидек, бу ерни Мирзо Улуғбек академияси даражасига олиб чиқишга эришди. Устоз раҳбарлигида 33 нафар фан номзоди, 6 нафар фан доктори тайёрлангани ҳам фикримизнинг исботидир. 200 дан ортиқ илмий мақолалар, 3 та монография, ўқув қўлланмалар, қатор методик кўргазмали қўлланмалар чоп эттирди. Ушбу илмий ишлар ҳамда устознинг шогирдлари фаолиятида қурилишнинг нозик жиҳатлари шарқона тарзда, энг муҳими, ҳудуднинг табиий, сейсмик шароити эътиборга олинган ҳолда ўз ечимини топганлиги эътиборлидир. Бу эса қурилиш назариясида “Ширинқулов мактаби”га асос бўлди.

Устознинг яна бир ташаббуси ёшларга қаратилганди. Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ёш истеъдодларни излашга киришди. Шу мақсадда ЎзФА Самарқанд бўлимида “Кичик академия” ташкил қилинди. Унда мактаб ўқувчиларидан истеъдодли, соҳага қизиқиши кучли ёшлар танлаб олинди. Уларда соҳага оид илмий кўникмалар шакллантириб борилди, турли экспедицияларда фан ва амалиёт уйғунлиги кўрсатилди.

Устознинг илм йўлида амалга ошираман деган орзулари, ҳали ечимини кутаётган конструктив лойиҳалари кўп эди. Аммо, кўнгилга таскин берадиган тасалли бор: унинг ишини шогирдлари давом эттиради. Унинг хотираси қалбларда узоқ яшайди.

Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтида академик Тошпўлат Ширинқулов хотирасини абадийлаштириш мақсадида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Институт талабалари учун “Академик Ширинқулов” номидаги стипендия эълон қилинган. Устоз узоқ йиллар кафедра мудири бўлиб ишлаган “Материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси” кафедраси қошида ташкил этилган лабораторияга “Академик Ширинқулов” номи берилган. Бу ерда музей, кутубхона ташкил этилган.

Умрини илму фанга бахшида этган олимнинг умри дарё мисол эзгуликка йўғрилди.

**Ш.АҲАДОВ,**
**тарих фанлари доктори,**
**С.РАҲМОНОВ**

Muxlislar esa hech qachon zerikib qolmaydi: ularni 22-may oqshomida YChL finali hamda 11-iyun kuni start oladigan butun boshli mundial kutib turibdi.



# БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИ

**Улуғнор тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби томон шошиб келаётган қизалоқ Гулноза Мамадолимова ҳозирда 10 ёшда. У шу мактабнинг бадиий гимнастика тўгараги аъзоси. Бир пайтлар телеэкран орқали гимнастикачи қизларнинг чиқишларини ҳавас билан кузатган бўлса, эндиликда ўзи ҳам замонавий спорт иншоотида бемалол мураккаб машқларни бажаряпти. Қаҳрамонимиз Гулноза Мамадолимова шу кунларда ўзининг дастлабки ғалабасини қўлга киритди.**

У бадиий гимнастика бўйича Фарғона водийси биринчилигида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига қурилиб, 2005 йилдан фойдаланишга топширилган ушбу мактабда ҳозирда 400 нафардан зиёд ўқувчи стол тенниси, кураш, мини футбол, бадиий ва спорт гимнастикаси бўйича шуғулланиб келмоқда. 128 нафар қизлар спортнинг энг нафис тури бадиий гимнастикани ўрганмоқда. Уларнинг аксарияти республика миқёсида ўтказилган спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритган.

Эътироф этиш жоизки, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганидан буён энг чекка ҳудудларда ҳам ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Хусусан, жамғарма маблағлари ҳисобига Андижон вилоятида шу кунга қадар 10та 5-ТИП болалар спорт мажмуаси, 55та спорт зали қурилди, 21та мавжуд спорт иншоотлари ҳамда 1та болалар мусиқа ва санъат мактаби реконструкция қилиниб, жами 87та иншоот фойдаланишга топширилди. Мазкур иншоотларни қуриш ва жиҳозлаш учун 12,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бундай имкониятлардан илҳомланган ҳолда ёшларимиз барчани қувонтирадиган натижаларга эришиб келмоқда. Ўтган 5 йилликни таҳлил қиладиган бўлсак, 2004—2009 йилларда республика, халқаро, Осиё ва жаҳон миқёсидаги мусобақаларда вилоятнинг ёш спортчилари 1131та олтин, 1240та кумуш, 1303та бронза медалларга сазовор бўлди. Ўтган йилнинг ўзида 267та олтин, 301та кумуш ва 309та бронза медаллари қўлга киритилди.



Спорт билан шуғулланиш учун яратилган шароит ва энг асосийси, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтишини таъминлаяпти.

Эътиборлиси, спорт билан шуғулланиш фарзандларимизни болалигиданоқ кун тартибини тўғри ташкил этишга, интизомга, ўз соғлиги ҳақида қайғуришга ўргатмоқда.

Бу уларнинг келажакда юксак орзуларига эришишида пойдевор бўлмоқда, десак муболаға бўлмайди.

**Орифжон СИДДИҚОВ**

## XORIJDA SPORT

### ЕВРОПА ЛИГАСИНИНГ ИЛК ҒОЛИБИ

**Футбол бўйича кўҳна қитъада иккинчи энг нуфузли соврин ҳисобланган — Европа Лигаси финали 12 май куни Германиянинг Гамбург шаҳридаги «Гамбург Арена» стадионида ўтказилди.**




Бир йил давомидаги машаққатли юришлар, қийинчиликлар сарҳисоб қилинувчи паллада Испаниянинг "Атлетико" (Мадрид) клуби инглизларнинг "Фулхэм"ига қарши майдонга тушди. Ёмғир остида кечган учрашувнинг 32-дақиқасида "Атлетико"нинг уругвайлик етакчиси Диего Форлан ҳисобни очди. "Туманли Альбион"дан келган футболчилар тўп ўйиндан ташқари ҳолатда киритилди, деб эътироз билдиришларига қарамай, италиялик ҳакам Никола Риццоли майдон марказини кўрсатди.

Орадан беш дақиқа ўтиб, "Фулхэм" клуби вакили Дэйвис ажойиб тарзда ҳисобни тенглаштирди. Шу тариқа мухлислар гоҳ испан клубининг шиддатли ҳужумларига, гоҳ инглиз жамоасининг мустаҳкам ҳимоясига икки тайм мобайнида гувоҳ бўлди. Қўшимча вақтнинг иккинчи ярмида "катта саҳна"га яна ўша Д.Форлан чиқди ва финал ўйини тақдирини узил-кесил ҳал қилди, якуний ҳисоб 2:1.

"Атлетико" номи жорий йили илк маротаба ўтказилган Европа Лигасининг биринчи ғолиби сифатида тарих зарварақларига ҳам битиб қўйилди.

### ШУМАХЕРНИНГ "ОТИ" КЕЙИН ЧОПАДИ

**"Формула-1" бўйича «Рено» жамоаси аъзоси Виталий Петров Монако Гран-присидан олдинги саралаш (тайёргарлик) баҳсларида 11-ўриндан жой эгаллади.**



1 дақиқаю 15,746 сонияда маррани кесган рус спортчиси ҳаммадан олдин чизиқни ҳатлаб ўтган «Феррари» етакчиси Фернандо Алонсодан атиги бир сония ортда қолди. 1.14,904 дақиқалик кўрсаткич ўзига хос саралаш ва тайёргарлик кўриш босқичининг энг юқори натижаси бўлди. Ундан кейин Нико Росберг («Мерседес GP», 1.15,013 дақиқада), Себастьян Феттель («Ред Булл», 1.15,099), Фелипе Масса («Феррари», 1.15,120) ҳамда Михаэль Шумахер («Мерседес GP», 1.15,143) етиб келишди. Бу шунчаки тайёргарлик, холос, пойгачи-спортчилар ўзининг ҳақиқий кучини Монакода намойиш этиши турган гап.

# "УЧ ОҒА-ИНИ" САФАРДАН ҚУРУҚ ҚАЙТДИ

Юртимиз футбол мухлислари учун ортда қолаётган ҳафта учта аламли мағлубият билан ёдда қоладиган бўлди. Бу халқаро майдонларда тўп сурган уч "оға-ини..." жамоамиз: "Пахтакор", "Бунёдкор" (иккаласи ҳам Осиё чемпионлар лигасида) ва "Насаф" (ОФКда) жамоалари билан бевосита боғлиқ, албатта.



Futbol

Тошкентнинг "Пахтакор" клуби Қатарда жуда мураккаб учрашувни ўтказиши олдиндан тахмин қилинаётган эди. Боиси, ўз таркибини дунё танийдиган футболчилар билан бойитган "Ал-Гарафа" жамоасининг қаршилигини унинг майдонида, кўпсонли мухлислари қуршовида енгиб ўтиш осон эмас эди.

Сўнгги паллада бош мураббий Радуловичнинг кутилмаганда бошқа юртдаги футбол клубига кўчиши ҳам "Пахтакор"нинг мазкур масъулиятли учрашувга кўнгилдагидек тайёргарлик кўришига монелик қилган бўлса, ажабмас. Пойтахтликларнинг собиқ устози Равшан Ҳайдаров бошчилигидаги "пахтакор"чилар кейинги босқичга йўлланма олиши учун содда қилиб айтганда, қандайдир "мўъжиза" содир бўлиши керак эди. Ўйиннинг 86-дақиқасида бразилиялик легионер Клемерсоннинг пенальтидан киритган ажойиб тўпи чорак финал йўлланмаси (1:0) соҳиби номига аниқлик киритди.

ОФКнинг нимчорак финалига йўл олган Қаршининг "Насаф" жамоаси ҳам сафарда тўп суриши маълум бўлганди. "Ал-Карама" клубига муносиб қаршилик кўрсатган юртдошларимизга шу куни омад етишмади, холос. Аввалига қаршиликлар ўн бир метрлик нуқтадан аниқ зарбани амалга оширолмади. Мезбонлар эса футболда мавжуд бўлган "эски қоида"ни бироз таҳрир қилиб "сен пенальтидан гол уролмасанг, мана, биз урамиз" деди ва 77-дақиқада Ҳассан Аббос мувозанатни бузди. Мазкур ҳисоб матч якунига қадар ўзгармай қолди.

Эртаси куни эса бразилиялик бош мураббий қўл остидаги "Бунёдкор" муҳим синовдан ўтиш учун Саудия Арабистонидаги "Қирол Фаҳд" стадионида саф тортди. Икки мағлуб жамоамизнинг дастлабки икки учрашувида қайд этган натижасидан ҳафсаласи пир бўлган ҳамюртларимиз бор умидини "қалдирғочлар"га қаратишганди. Афсуски, И.Нестеров ҳамда Денилсонсиз келган "Бунёдкор" 9-дақиқадаёқ ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишга мажбур бўлди. Шу тақлид руҳий устунлик мезбонлар томонига ўтди ва кетма-кет хавфли ҳужумлар уюштирилди. Бу ўз самарасини бермай қолмади, Вилхемсоннинг 56-дақиқада ва Тяго Невеснинг 60-дақиқада Мурод Зуҳуров дарвозасига киритган голи чорак финал йўлланмаси тақдирини ҳал қилди. Шундай қилиб, "Бунёдкор"нинг кутилган ғалабаси ҳам саробга айланди.

Энди футболчиларимиз асосий эътиборни фақат ва фақат олий лига ўйинлари ҳамда Ўзбекистон Кубоги баҳсларига қаратади. Мухлислар эса ҳеч қачон зерикиб қолмайди: уларни 22 май оқшомида ЕЧЛ финали ҳамда 11 июнь куни старт оладиган бутун бошли мундиал кутиб турибди.

**Зоҳиджон ХОЛОВ**

### ФАВОРИТ — АУТСАЙДЕР

**Миллий баскетбол ассоциацияси чемпионатининг энг яхши жамоаси «Кливленд» кутилмаганда плей-офф сериясининг бешинчи матчида «Бостон» клубига аламли тарзда мағлубиятга учраб, мавсумдаги ўз юришини тўхтатди.**



«Бостон» сафарда ўйнаганлигига қарамай, 120:88 ҳисобида зафар қучди ва Шарқий конференция мусобақаларининг ярим финалига чиқди. Сўнгги икки йилликнинг энг қиммат ўйинчиси Леброн Жеймс ўз ҳисобига 15 очкони ёзиб қўйди. Шундай қилиб, мавсум аввалида мусобақанинг яққол фаворити дея эътироф этилаётган жамоа чорак финалдан "аутсайдер" сифатида бош эгиб қайтди.



***Меҳрибон устоз Ҳамро ПЎЛАТОВА!***

**Сизни таваллуд айёмингиз ва кутлуғ 60 ёшингиз муносабати билан чин юракдан муборакбод этамиз. Сизга Яратгандан узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ижодий ишларингизга юксак парвозлар тилаймиз.**

**Азиз ва муҳтарам устоз! Сизнинг баркамол авлод келажаги, ёшлар камолоти йўлидаги хизматингиз беқиёсдир. Азиз устозлар, ижодий ҳамкор дўстлар, барча шогирд ва ўқувчиларингиз Сизни жонкуяр ва талабчан раҳбар, самимий ва камтарин инсон, ўз касбининг фидойиси деб билишади ва эъзозлашади.**

**Сизнинг машаққатли ва шарафли илмий фаолиятингизга улкан зафарлар ёр бўлишини истаб қоламиз.**

***Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежи жамоаси.***



***Муҳтарам Баҳром ҚУРБОНОВ!***

**Сизни таваллуд кунингиз ва 70 ёшга тўлишингиз билан самимий муборакбод этамиз. Сиз умрингизни ёш авлод тарбиясига бағишладингиз. Заҳматли, айни пайтда шарафли меҳнатингиз туфайли юзлаб ёшлар илм-маърифат сирларини ўрганишди. Хайрли касбларга эга бўлдилар. Айни кунларда Гулистон давлат университетидаги фаолиятингиз ҳам таҳсинга лойиқдир. Сизга бундан кейинги меҳнат фаолиятингиз ва ҳаётингизда мустаҳкам соғлик, янги-янги зафарлар тилаймиз.**

***Сизга ҳурмат ва эҳтиром билан шогирдларингиз.***

# ТАЪТИЛ ҲАМ ЎРГАНИШ ДАВРИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)





Агар сиз ўтган йилги тадбирда ҳам қатнашган бўлсангиз, кўргазмани кўздан кечиришингиз биланоқ бу йилги янгиликларни дарров пайқайсиз. Хусусан, кўргазманинг қамрови кенгайгани маълум бўлади. Чунки, туман Ахборот-ресурс марказлари, фан тўгараклари ҳамда мактаблар қошидаги ёзги оромгоҳлар ҳам ўз кўргазмаларини намойиш этиб ўқувчилари сафини кенгайтиришга киришибди.

— Бу йилги тадбирда АРМларнинг ҳам иштирок этаётгани ўқувчиларнинг катта ютуғи бўлди, — дейди 160-мактаб қошидаги Яккасарой туман АРМ раҳбари Муқаддас Собирова. — У қидирган китоб таълим олаётган ҳудудидаги АРМда бўлмаслиги мумкин. Энди унда бошқа туман АРМларига бориб излаётганини топиш имконияти мавжуд. Мана, бугун бизга Ҳамза, Учтепа туманидан мактаб ўқувчилари ҳам аъзо бўлишаяпти. “Компьютер сабоқлари”, “Адабиёт”, “Тасвирий санъат” тўгаракларимиз болаларга маъқул келаяпти. Уларни китоб фондимиз, мутолаа шароитимиз, электрон дарсликларимиз билан таништираяпмиз.

Албатта, яхши таълим муассасаси, ижод маскани узоқ масофада яшовчи ўқувчиларни ҳам ўзига жалб қилади. Сурат чизишга бор диққатини қаратган икки қизалоқ Собир Раҳимов туманидаги мактабларда таҳсил олишади. Аммо Шайхонтоҳур болалар ижодиёт марказининг тасвирий санъат тўгараги раҳбари Феруза Адбураҳимованинг жуда ҳам маҳоратли эканлиги, бу ердаги ўқувчилар рассомликнинг назариясидан тортиб, амалиётигача ўзлаштираётганликлари кўплар қатори уларнинг ҳам қулоғига етиб борган. Шу боис Ёқутхон Шомуродова ва Мадина Эгамова икки йилдан буён ана шу тўгаракда таҳсил олишяпти. Улар яратаётган “Кунгабоқар” композицияси ва ишлаш жараёнлари бир қанча ўқувчининг диққатини тортди. Ҳатто сурат чизаётганларни саволларга кўмиб ташладилар: “Бирор нарсага қараб чизаяпсизми?”, “Ким ўргатади?”, “Ўқитувчингиз қаерда?”, “Мени ҳам шу тўгаракка қабул қилишармикан?”.

*Reportaj*

“Журналистика тўгараги йўқми сизларда?”, дея ҳар бир марказни кўздан кечираётган қиз диққатимизни тортди. У излаганини топармикан, дея қизикдик. Ниҳоят, анча фурсатлардан кейин ўша қизни Чилонзор туманидаги ўқувчилар техник ижодиёт марказининг Валерий Маменков мураббийлик қилаётган “Фотомухбирлик” тўгарагига аъзо бўлаётган чоғида учратдик. Буни кўриб ўқувчилар бу кўргазмада ўзларига керакли тўгаракларни топаётганлигига амин бўлдик.



Спорт мактаблари ва мажмуаларининг кўргазмаси ўрин олган қисм ҳам жуда гавжум. Ҳамма ўзини қизиқтирган машғулот билан банд. Шахмат бўйича икки карра жаҳон чемпиони Сирожиддин Зайниддиновнинг эндигина аъзо бўлиш истагини билдирган болани дарров ўйинга таклиф этгани ўқувчини бироз эсанкиратиб қўйди. Бироқ чемпион унга ўйинни ўргатишдан бошлади. Бу эса 224-мактаб ўқувчиси Азамат Исмоиловнинг қизиқишини янада оширди. Диққат-эътибори фақат ўйин тахтасига қаратилган бу икки шахматсеварни шу онда суҳбатга тортиш жуда мушкул эди-ю, шундай бўлса-да, Азаматнинг ўқув йили якунланиши биланоқ 3-ихтисослашган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактабининг “Шахмат ва шашка” тўгарагига қатнашишни мақсад қилиб қўйганини билиб олдик.

Атрофда Азаматга ўхшаган қарори қатъийлашиб бораётган ўқувчилар жуда кўп. Чунки каратэ, бадиий гимнастика, стол тенниси каби спорт турлари бўйича ҳам мастер класс машғулотлари бўлиб ўтаётган эди.





... Бу қандай қизиқарли нарса эканки, ўғил болаларни бир жойга тўплаб олибди?! Даврани кўздан кечирсак, бу ерда мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилотининг шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Иззат Яманов ўсмирларни ташкилотнинг тумандаги марказлари қошида фаолият юритаётган техник тўгараклар билан таништираётган экан.

— Авиамодель, ракетамодель, ўқ отиш каби тўгаракларимизга ўқувчилар катта қизиқиш билдиришди, — дейди Иззат ака.

Миллий боғнинг кичик саҳнасида мусиқа ва санъат мактабларининг, катта саҳнасида эса Ўқувчилар ижодиёти марказларининг кўргазмали концерт дастурлари намойиш этилди. Санъаткор бўлишни орзу қилган ўғил-қизларнинг барчаси шу ерда жамулжам.

Кўргазманинг 2-куни барча вилоятлар ХТБ ва Қорақалпоғистон Республикаси ХТВдан келган вакиллар учун семинар ташкил қилинди. Улар пойтахтимизда ташкил этилган ушбу тадбирни ўз вилоятларида ҳам уюштириш ниятида кўплаб таассуротлар билан қайтдилар.

Кўргазма ниҳоясига етди, аммо унинг иштирокчилари бўлмиш МТТМ учун қизғин палла энди бошланди. Ўқувчилар эса эҳтимол шу бугунги қадамларидан бошлаб келажакдаги йўлларини белгилаб олгандирлар.

**Зилола РУСТАМОВА,**
**“Ma’rifat” мухбири**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari, Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, “Учитель Узбекистана”), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, “Учитель Узбекистана”), Sa'dulla HAKIMOV

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-422.
Tiraji 40656.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Qurbonboy MATQURBONOV.
Navbatchi:
Dilshod KARIMOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.
Ⓜ belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
ЎзА якуни — 21.00